

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛТЕТИ
ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: СИЁВУШ КАСРОИЙ ШЕЪРИЯТИДА АФСОНАВИЙ
ОБРАЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ

БАЖАРДИ: 5220100 – Филология (шарқ тиллари) таълим йўналиши битирувчи курс талабаси **РИСКИЕВА ДИНОРА**_____

ИЛМИЙ РАЎБАР: “Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси **М.У. МАМАТАХУНОВА**_____

Илмий консультант: “Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н. **У.У. МУЎИБОВА**_____

Ишда замонавий Эрон шоири “Сиёвуш Касроий шеъриятида афсонавий образлар ва уларнинг замонавий талқини таҳлил қилинади

ТОШКЕНТ - 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3-8-бетлар

1-боб. Сиёвуш Касроийнинг замонавий Эрон шеъриятида тутган ўрни

- 1.1. Замонавий Эрон шеъриятида “Шеър-е ноу” йўналиши..... 9-19
- 1.2. Сиёвуш Касроий шеърияти ва унинг ижоди адабиётшунослар талқинида..... 20-31
- 1.3. Ижодкор яратган рамзий тасвирдаги образлар..... 32-37

2-боб. Сиёвуш Касроий шеъриятида афсонавий образлар ва уларнинг замонавий кўриниши

- 2.1. Сиёвуш Касроий шеъриятида афсонавий қаҳрамонлар образлари 38-52
- 2.2. Шоир поэзиясида “қуш” образи..... 53-58
- 2.3. Ижодкор шеъриятида “тоғ” образи..... 59-61

ХУЛОСА..... 62-66

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 67-68

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда хорижий тилларни ўргатиш кенг йўлга қўйилди. Шарқ мамлакатлари адабиёти ва санъати маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келган. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда шарқ адабиётини ривожлантириш уни ўрганиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган ҳамда ўрганилаётган тилнинг адабиётини чуқур ўрганиб келаётган минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу–интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юрт келажаги ёш авлод қўлида. Демакки, эртанинг эгалари қай даражада билимли, зукко ва тадбиркор бўлса, ватанимиз эртаси ҳам шу даражада порлоқ бўлади. Буни чуқур англаган давлатимиз раҳбарининг таълимга, ёшлар камолотига бу қадар жон куйдириши бежиз эмас. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган”¹. Шу борада айтиб ўтиш жоизки, рус ва хорижий шарқшунослар орасида замонавий форс насри ҳамда назмига қизиқиш XX аср биринчи ярмидан бошланган. К.И.Чайкин, Ю.Марр, Я.Рипка, Э.Бараунларнинг изланишлари фикримиз далилидир.

¹ Islom Karimov. “Tinchlik va xavfsizligimiz o‘z kuch qudratimizga, hamjihatligimiz va qat’iy irodamizga bog’liq” Toshkent, O‘zbekiston, 2004., B.:284

Эрон шеърлятидаги “янги шеър” оқимининг вужудга келиши, бадий адабиётнинг узвий таркибий қисмига айланиши, унинг ривожидан мустахкам ўрин олиши ва ривожланиб, бугунги кунгача ҳам поэзия тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолиши ана шундай инқилобий ва тарихий воқеликлардан бири бўлган эди. Бугунги кунда “шеър-е ноу” Эрон халқи маънавий дунёсининг бир бўлаги, халқ ижтимоий-маърифий қарашларининг ажралмас қисми, халқ руҳиятидаги маънавий бутунликни ўзида акс эттира олган поэтик воқелик ҳисобланади. “Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир”², маънавият “инсоннинг руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, уни имон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч”³ эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мунтазам суратда таъкидланмоқда.

Юртбошимиз сўз санъати, бадий адабиётга инсонни ва унинг маънавий оламини кашф этадиган қудратли восита, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари дея таърифлаган эдилар. Чиндан ҳам адабиёт инсонга кучли таъсир этувчи қудратли қурол деган гапда ҳақиқат бор.

Адабиёт чегара билмайди. У хоҳ ўзбек адабиёти бўлсин, хоҳ жаҳон адабиёти бўлсин инсон учун хизмат қилади ва ҳаётни акс эттиради. Атоқли маърифатпарвар адиб Чўлпон: “Адабиёт яшаса миллат яшайди”⁴, -дея бежизга таъкидламаган эди. Зеро, Абдулла Авлоний айтганидек: “Ҳар миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинаи жаҳони унинг тили ва адабиётидир”.⁵ Замонлар ўзгарса-да, миллатнинг таназзули ҳам, иқболи ҳам аввало, адабиётда ўз аксини топади. Шундай экан, адабиётни ўрганиш жараёнида ўша миллат руҳияти, унинг тадрижий тараққиёти кашф эта борилади. Шу боисдан ҳам адабиётни ўрганишнинг аҳамияти бекиёс.

² Каримов И.А. Истиқлол йўли: Муаммо ва режалар// Асарлар. Т.1, Тошкент, Ўзбекистон, 1996, Б.:81.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилимқда// Асарлар. Т.7. Тошкент, Ўзбекистон, 1999, Б.:381.

⁴ Karimov.Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch .Toshkent, O'zbekiston, 2008, B.:140

⁵ Karimov.Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch .Toshkent, O'zbekiston, 2008, B.:83

Ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, фақат ўзбек адабиётинигина эмас, бошқа халқлар адабиётини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Хусусан, Эрон адабиётини ўрганиш эрон халқи менталитетини билишда қўл келади. Эрон ўзининг адабиёт соҳасида, дунё миқёсида тутган ўрни билан ажралиб туради. Эрон адабиётини ўрганиш б

у сеҳрли диёр тилсимларини очувчи бир калитгина бўлмай, эрон миллатига ҳурмат ифодаси ҳамдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келган”.⁶

Айтиш мумкинки, Эрон адабиётида қилинган, қилинётган ва ҳали қилиниши керак бўлган ишлар анчагина.

Шу жумладан, Сиёвуш Касроийнинг ижоди ҳам ўзига хос. Уни ўрганиш, таҳлил этиш борасида баъзи ишлар амалга оширилди. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ўша биз билган минг асрлик машҳур асар-Фирдавсийнинг “Шохнома”сида учратган қаҳрамонларимиз замонавий шеърятда қандай қиёфада гавдалантирилганлигини аниқлашдан иборат. Сиёвуш Касроий шеърятида афсонавий қаҳрамонлар образи ва уларни замонавий талқинини таҳлил қилиш битирув малакавий ишининг долзарблигини билдиради.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Замонавий Эрон шоири Сиёвуш Касроий ижоди эронлик адабиётшунослар томонидан ҳар томонлама тадқиқ этилган⁷. Сиёвуш Касроий ва унинг замондошлари ижодига қизиқиш нафақат Эронда, балки, бошқа хорижий давлатларда⁸ ҳам каттадир. Шоир ижодини ўрганиш рус, озарбайжон ва ўзбек муаллифлари томонидан алоҳида тадқиқ этилмаган бўлиб, шоир яшаган давр адабий муҳити, “янги шеър” ижодкорлари ҳақидаги мақола, дарслик, рисола ва монографияларда Сиёвуш

⁶ Karimov.Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch .Toshkent, O'zbekiston, 2008, B.:137.

⁷ محمد حقوقي : "شعر نوع از آغاز تا امروز". تهران، جلد دوم، 1996، حسین فهمی، "از اسطوره تا حماسه: نگاهی به آثار شاعر فقید سیاوش کسرای". سال 1390، دستغیب عبدوعلى "بررسی اجمالی در باره شعر نو" پیام نوین، 1960، ایران نامه "شماره 53" سیاوش کسرای،

⁸ Jarshater Ehsan. Persian Letters in the Last Fifty Years. "Middlt Efstern Affairs". November. 1960. vol. XI. № 10;

Касройи ҳақида умумий маълумотлар берилган. Шоир яшаган ва ижод этган даврнинг адабий муҳити, шеърят ва шоирлар ҳақида рус тилида И. Брагинский⁹, В.Б. Кляшторина¹⁰, Б.М. Гусейнов¹¹, Б. Алави¹², Р. Алиев¹³, М.Д. Кязимов¹⁴, ўзбек тилида Н. Шоалиева¹⁵ лар шулар жумласидандир.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Маълумки, ҳар бир ижодкор ўз қарашлари, нуктаи-назари, мушоҳадаларини ўз асарларига жо этади. Ҳамма замонда ҳам ижодкор халқ аҳволига, замонга асло бефарқ қарай олмаган ва қарай олмайди ҳам. Негаки, ижодкор ҳақиқат сўзининг таржимони бўлиши керак. Сиёвуш Касройи ўз шеърларида жамиятдаги воқеликни реал акс эттиради. У қаламга олган мавзу инқилобий руҳни акс эттирар эди. Ушбу битирув малакавий ишидан кўзланган асосий мақсад замонавий Эрон шоири Сиёвуш Касройи шеърлятида афсонавий образ ва уларнинг замонавий талқинини очиб беришдан иборат. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун олдимизга қуйидаги вазифаларни қўйдик:

- замонавий эрон шеърлятида “шеър-е ноу” йўналиши ва унинг ижодкорлари ҳақида сўз юритиш;
- Сиёвуш Касройи шеърляти ва унинг ижодини адабиётшунослар томонидан баҳоланиши;
- ижодкор яратган рамзий тасвирдаги образларни таҳлил қилиш;
- Сиёвуш Касройи шеърлятида афсонавий қаҳрамонлар образларини аниқлаш;

⁹ Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература. Краткий очерк. –Москва. 1963.

¹⁰ Кляшторина В.Б. Современная персидская поэзия (Очерки поэзии 50-х годов. –Москва. 1962; К вопросу о развитии литературной критики в Иране зарубежье 50-60-х годов//сб. «Иран». –Москва. 1971; «Новая поэзия» в Иране. –Москва. «Наука». 1975; Этапы эволюции современной персидской поэзии//Азия и Африка сегодня. № 3. 2004.

¹¹ Гусейнов Б.М. Литературное движение «новый стих» в Иране//журн. «Азербайджан». –Баку. 1969. № 1; Новое и новаторское в современной персидской поэзии//сб. «Теоретические проблемы восточных литератур. –Москва. 1969; Традиции и новаторство в поэзии Ирана XX в. (автореферат докт. дисс.), –Баку. 1973.

¹² Алави Б. Существенные черты современной персидской поэзии// «Труды XXV Международной конференции востоковедов». Т. 2. –Москва. 1963.

¹³ Алиев Р. О новаторстве в современной персидской поэзии (ритмические основы стиха)// «Труды XXV Международной конференции востоковедов». Т. 2. –Москва. 1963.

¹⁴ Кязимов М.Д. Персидская поэзия конца XX века. –Баку. 2005.

¹⁵ Шоалиева Н. Қизил гулнинг сири. –Тошкент. “Ёзувчи”. 2002.

- шоир поэзиясида афсонавий “қуш” образини замонавий талқинини кўрсатиб бериш;

- Сиёвуш Касроий шеъриятида “тоғ” образи ва унинг талқинини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва предмети. Битирув малакавий иши объекти “янги шеър” йўналишида ижод этган замонавий Эрон шоири Сиёвуш Касроий ижоди бўлиб, ишнинг предмети шоир шеъриятида афсонавий образ ва унинг замонавий талқинини таҳлил қилишдир.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Битирув малакавий ишида қўйилган мақсад ва вазифаларни ёритишда форс, рус, озарбайжон ва ўзбек адабиётшунослигидаги назарий қарашларга, жумладан, Муҳаммадризо Руҳбеҳ¹⁶, И. Брагинский, В.Б. Кляшторина, Б.М. Гусейнов, М.Д. Кязимов, Иззат Султон¹⁷, Н.Ҳотамов ва Б. Саримсоқов¹⁸, Т. Бобоев¹⁹, М. Қўшжонов²⁰, Д. Қуронов, З. Мамажонов, М. Шералиева²¹ ва бошқа олимларнинг тадқиқот ва мақолаларига таянилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Замонавий Эрон адабиётининг ёрқин намояндаси Сиёвуш Касроий шеърияти ҳозирги кунга қадар ўзбек шарқшунослигида махсус ўрганилмаган. Ишимизда илк бор Сиёвуш Касроий шеъриятида афсонавий образ ва уларнинг замонавий талқинидаги шоир маҳорати масаласи ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур битирув малакавий иши замонавий Эрон шоири Сиёвуш Касроий шеъриятини назарий англаш имкониятини яратади. Унинг шеъриятидаги афсонавий образлар ва уларнинг замонавий талқинида берилиши билан адабнинг маҳоратини англаш учун катта аҳамият касб этади.

¹⁶ Муҳаммадризо Руҳбеҳ. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. –Тошкент. “Янги нашр”. 2012.

¹⁷ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Тошкент. “Ўқитувчи”. 1986.

¹⁸ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент. “Ўқитувчи”. 1983.

¹⁹ Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик қўлланма. –Тошкент. 1979.

²⁰ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Тошкент. 1962.

²¹ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. 2010.

Битирув малакавий ишидаги маълумотлар олий ўқув юртларининг филология, Шарқ филологияси, хусусан, форс филологияси йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, замонавий форс адабиёти бўйича махсус курслар тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Мазкур иш кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Сиёвуш Касроийнинг замонавий Эрон шеъриятида тутган ўрни

1.1. Замонавий Эрон шеъриятида “Шеър-е ноу” йўналиши

Шеърият Эроннинг ижтимоий тафаккур аҳли учун асрлар давомида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб келган. Эронда шахснинг ахлокий нормалари қадим замонлардан бери шеърий тарзда шакллантирилган.

Иккинчи жаҳон уруши Эрон сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тубдан ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бу даврни тарихчилар Эроннинг “қора кунлар”и деб ҳақли равишда баҳолаганлар.²² Мавжуд тизимга қарши чиққан кўплаб шоирлар ва ёзувчилар қатағон қилинди. Машҳур адабиётшунос олим Парвиз Хонларий Эрон ёзувчиларининг 1946-йили бўлиб ўтган биринчи съездида бу давр ҳақида изтироб билан шундай деган эди: “Резошоҳ даврида қатағонлик ва миршаблар таъзийқи шу даражага етдики, улар ёзувчи ва шоирлар юрагидаги бадий ижодга бўлган ҳар қанақа интилишни ўлдирдилар. Изтироб, ғам-андух руҳидаги шеърларни чоп этиш қатъиян ман қилинди, фақатгина шодлик ва ҳаётдан мамнунлик руҳидаги шеърлар ёзиш талаб этилди”.²³

40-йилларнинг охирларига келиб ижод аҳли ва адабиётшунослар учта журнал: “Сўхан” (“Сўз”), “Пеймон-е ноу” (“Янги хабарчи”) ва “Дунё” атрофида бирлашдилар. Парвиз Нотел Хонларий, Содик Ҳидоят, Бўзўрг Алавий, Эҳсон Табарий каби машҳур ёзувчи ва шоирлар бу журналларда ўз ижод намуналарини чоп этиб бордилар. Бу давр шеъриятида иккита: анъанавий ва янги типдаги йўналиш мавжуд эди. XX асрнинг бошлариданок ибораларнинг аниқлиги ва образларнинг соддалиги билан ажралиб турган хуросон услубининг янгиланган шакли ривожланди. Адабиётшунослар бу услубни асл форсий услуб деб ҳисоблаганлар. Чунки унинг пайдо бўлиши мўғуллар истилосигача бўлган давр (XII аср)га бориб тақалади. Лекин

²² История персидский литературы XIX-XX веков. –Москва. 1999, Б.:118.

²³ Ўша адабиёт. Б.:118.

қанчалик машхур бўлмасин бу услуб Эрон шеъриятининг истиқболдаги асосий йўналишларини белгилаб бера олмади. Бу вазифани 40-50 йиллардан бошлаб “шеър-е ноу” адабий йўналиши ўз зиммасига олди.

Албатта бу йўналиш бирданига пайдо бўлмаган. XX асрнинг бошлариданоқ, дастлаб Эрон, Сурия, Ливан шеъриятида янгиланиш ҳаракати вужудга келган эди. Бу ҳаракат “Янги шеър” (“Шеър-е ноу”, “Аш-шеър ал-ҳадис” ёки “Шеър-е озод”) номи билан аталган. Эронда мазкур шеърият XX асрнинг иккинчи ярмида бир-бирига диаметрал тескари бўлган сиёсий-ижтимоий режимлар 1950-70 йилларда Муҳаммад Ризошоҳ Паҳлавий ва 1979-йилдан ҳозирги давргача бўлган Эрон Ислом Республикаси таъсирида вужудга келди²⁴. Эрон жамиятида юз берган “Машрута” инқилоби “янги шеър”нинг юзага келишига бош сабабчи бўлган. Машрутият инқилоби Эрон тарихидаги ижтимоий, сиёсий, айниқса маданий соҳадаги ўзгаришларнинг энг муҳим омилларидандир. Бундай ўзгаришларнинг энг муҳимлари сифатида наср ва шеъриятнинг икки қисмга – мумтоз ва янги даврга ажратилганини кўришимиз мумкин²⁵. Машрутият даврида яратилган шеърлар содда, тушунарли, оддий сўзлашув ва ғарб терминларидан фойдаланган ҳолда ёзилган. Ижтимоий мавзуда ижод қиладиган машрутият шоирлари кўпинча анъанавий ва оддий шеърий қолипларга янги мазмун ва маъно бағишлардилар. Масалан, Баҳор ва Фароҳаний мумтоз қолипда янги ижтимоий ва танқидий мавзуларни акс эттирган ҳолда қасидалар битишган²⁶. Машрутият даври мумтозликдан янгиланишга ўтиш даври бўлди. Бу давр шоирлари жамиятда юз бераётган ижтимоий ҳодисаларга янгича нигоҳ билан қарардилар. Бу даврда кўплаб ёзувчи ва шоирлар етишиб чикди. Янги шеър асосчиларидан ҳисобланган Нимо Юшиж, унинг давомчилари Гулчин Гилоний, Фаридун Таваллулий, Нодир Нодирпур, Аҳмад Шомлу, Сиёвуш Касройи, Сухроб Сепехрий ва кўплаб истеъдодли шоирлар мазкур услубда самарали ижод билан шуғулланишди.

²⁴ В.Б.Кляшторина Новая поэзия в Иране. Москва.1975.

²⁵ عبدالرضا سبزی: "سبک شعر نو" ص 1

²⁶ Муҳаммадризо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Тошкент. “Янги нашр”. 2012, Б.:18-19

XX аср охирида Эронда модерн тафаккур, иқтисодий, ижтимоий, маданий модернизация жараёни тезлашди. Бу жараёндан адабиёт соҳаси ҳам четда қолмади. Ғарб адабий ва тилшунослик ҳаракати, афсоналарнинг тадқиқ этилиши, шарқ ва ғарб модерн тадқиқотлари ва назарияларнинг таржималари ва уларнинг йўналишлари: формализм, курилиш (сохтгори), қайта курилиш (пассохтгори), фенимизм каби ҳодисалар қалам аҳлини янги уфқларга йўллади. Модерн ва постмодерн йўналишида ёзилган романлар ва шеърлар таржималари, психологик асарлар ва бошқалар эстетик завқни ошириб юборди.²⁷

Янги шеър янгича дунёқараш, янги маънавий қадриятлар тизимини ўзида акс эттирди ва янги эстетик меъёрлар, янги проблематика, образлар системаси, бадиий материални янгича принциплар орқали етказиши билан характерланади. Шеър-е ноунинг пайдо бўлиши асосини – дунёқарашлар алмашинуви ташкил этади. Янги ва мумтоз шеъриятнинг асосий фарқи шу нуқтада яққол намоён бўлади.²⁸ Бу йўналиш намояндалари кескин ўзгариб бораётган воқелик, мустақилликка эришиш, янги ҳаёт барпо этиш каби муҳим ижтимоий жараёнларни тарғиб этишни ўзларининг вазифалари деб билганлар.

60-70 йилларга келиб “шеър-е ноу” ўз ғоявий йўналишлари ва мавзулар силсиласига эга бўла бошлади. Унинг ўз эстетик идеали шаклланди, шеърият ўзига хос стилистик тузилишга эга бўлади. Янги шеърият жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи омилга айланди. Маданий жараённинг кенг ривожланиши расмий тарғиботнинг кучайиши билан баробар борди. Янги шеърият расмий тарғиботчилик, қотиб қолган ғоялар ва тизимлар, консерватизмга қарши ҳаракатга айланди. Янги шеърият жамиятдаги илғор ғояларнинг шаклланиши ва кенг тарқалишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, янги шеъриятга хос бўлган модернизмга қарамай бу оқим илғор ғояларнинг тарқалиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

²⁷ В.Б.Кляшторина Новая поэзия в Иране. - М.1975. –Б.

²⁸ История персидской литературы XIX-XX веков. Москва., 1999. Б.:121

Адабиётнинг ижтимоий ролини ошиши 60-йиллар охиридаги шеърят бахсларининг кескинлашуви ва Эрон адабиётига танқидий назарнинг кучайиши сабаб бўлаётган эди. Бунга гувоҳ қилиб машҳур олимлар ва шоирлар, танқидчиларнинг мақолалари ҳамда китобларини кўрсатиш мумкин. Булар П.Н.Хонлари, Г.Р.Адерахши, Б.Омид, Н.Нодирпур ва бошқалар. “Шеър-е ноу” адабий оқимиға нисбатан бошқа мамлакатлар олимлари томонидан катта илмий қизиқиш вужудга келган. Совет Иттифоқи таркибида яшаб, ижод қилган олимлардан В.Б.Кляшторина, Р.Алиев, Ж.Бадий, Б.М.Гусейнов, Д.Комиссаров, С.Давронов²⁹ кабилар янги ва замонавий шеърят тамойиллари борасида ўз фикрларини билдиришган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, 60-йилларга бориб “янги шеър”да ижод қилувчи бир гуруҳ шоирлар ўзларини “янги авлод шоирлари” деб номлаб, шеърларини “янги мавж” рукни остида газета, журналларда тез-тез чоп эта бошладилар. Бу гуруҳ намояндалари Ҳушанг Ироний, Аҳмад Резо, Бижан Илоҳий, Исмоил Нури Али бўлиб, мумтоз шеърятдаги анъанавий унсурлар, сўз ўйинларини четлаб, фақат ҳаётӣй-ижтимоӣй масалаларни баён қилишга кўпроқ аҳамият бера бошладилар. Уларнинг ижодларида реалистик оҳанг кучайиб борган. Реалистик йўлнинг турли оқимлари таъсири кучайди. Воқеаларни реалистик ифода этишда янги образлилик, эртақнамо сюжетлар, халқ бадий тафаккури таъсири ва фольклор мотивларини ўринли ишлатиш, мажозийлик, лирик қаҳрамонни воқеалар гирдобига ташлаш кучайди.

70-йилларнинг бошларида “шеър-е ноу”нинг даврий кўрсаткичларини умумлаштирувчи ишлар пайдо бўлди, шунингдек ушбу ишлар “янги шеърят”нинг дунёвий назарига ва образлилигига таъсир кўрсатмай қолмади. Бахснинг асосий мавзуси шеърнинг форсий асосидаги меъёрий қоидаларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш эди. Ушбу бахслар Эронда классик адабиётнинг ҳамда унинг эстетик қоидаларининг ҳокимлигини ҳисобга олган ҳолда тушунилиши мумкин эди. Шунинг учун шеърӣй шакл

²⁹ Давронов С. Вазни ашъори Абудкосим Лохутӣй. – Душанбе.: Дониш, 1974.

“анъанавий” ёки “янги шеърий тизимнинг афзалликлари ҳақидаги бахслар шеъриятнинг мамлакат замонавий ҳаётидаги ўрни ва роли тўғрисидаги бахсларга айланиб кетди. Бу эса ўз навбатида аниқ кўзга ташланадиган ғоявий йўналишга эга эди. Мумтоз адабий анъаналарни таъсири кучлилигига қарамай модернизация туфайли кириб келаётган янгиликлар адабий ҳаётда ўзгаришлар шамолини олиб кира бошлади³⁰. Нимо Юшиж (1895-1959) Эронда биринчи бўлиб эркин шеърга ўз эътиборини қаратди. У шеърнинг янги ритмикаси ва образини яратди. Нимо Юшиж шеърнинг классик мусиқий фонини сақлаб қолган ҳолда, унинг вазнини ўзгартирди. Мумтоз шеъриятга хос ритм, қисқа ва узун унли товушларнинг кетма-кетлиги, ички товуш симметрияси ўзгаришсиз қолди. Аммо шеърий мисра классик шеърнинг мисрасидек анъанавий бўлмасдан оҳангга мослашди. Бу янгилик “эркин аруз” номини олди ва ўзига хос замонавий тематикасига таяниб, “Шеър-е ноу” – “Янги шеър” мактабига асос солди. Нимо Юшиж эркин лирик монолог шаклини яратди. Нимо Юшижнинг ўзи бу ҳақда “ Бутун шеърият нафақат куй, вазннинг қадрдон кўриниши, балки жамоа муаммоларининг талқинидир” дейди. Лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати узоқ йўлга тараддуди олдидан бир зумлик қаро тун, хавотирли кутиш ва кечанинг жилвакор кўринишлари тасвирланган лирик пейзажи орқали намоён этилади:

Совуқ шамоллар ила қувилган,

Дунёни мадҳ этган ширин овоз Қақнус.

Бамбук шохи узра қўнди хоргин,

Ғам-андуҳларин куйга солган.

Қушлар ўлтиришар ўзга дарахтларда,

Бир-бирига қоришиб кетган юзлаб куй ва нолалар оҳи,

Кўкда бир парча чўққига илашиб қолган,

Булутларни титратиб Қақнус, намоён қилар ўз фигонини. (Қақнус)

³⁰ В.Б.Кляшторина Новая поэзия в Иране Москва, 1975

Яршатер бўлажак янги шеъриятга таъриф беришда ўзининг фикр ва қарашларини намоёни қилади. У Нимо Юшиж издошларининг ижод намуналарида кўплаб нуқсонларни кўрсатиш билан бирга, шеъриятда янгиланиш кераклиги ва зарурлигига тан беради. Яршатер 1960-йилнинг ўзида “шеърларида шеъриятнинг ўтмиш юкларидан енгиллаштириб, унга янгиланиш элементларини ва унда анъаналарни сақлаб қолганлиги билан замондошлари орасида ҳамфикрликни ўргатган Фаррух Фаррухзод, М.Омид ва Касроий каби ёш шоирларни алоҳида кўрсатиб ўтади.³¹

XX аср Эрон демократик шеъриятининг ривожланиши унда ижтимоий мавзунинг кучайиши билан машҳур эди. Шеърият муаммоларининг зарурий ижтимоий масалалар билан узвийлиги шеърий онгнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. XIX-XX асрлар давомида европа шеъриятининг ривожланиши рационалистик шеъриятдан халос бўлиш ва вилрибрни тасдиқлаш белгиси остида бораётган эди. Эрон анъаналарида четлашиш XX асрнинг 40-йилларида ижод қилган Нимо Юшиж ва урушдан кейинги ёш авлод шоирлари ижодларида аниқ кўзга ташланди. Ана шу вақтдан бошлаб янги эстетик қадриятлар ва янги образлар тизими шакллана бошланди. Ушбу янги шеърий тизимда сўзнинг шеърийлиги унинг белгиланган стилистик меъёрга эмас, балки янги ғоявий ва тарихий матнга тегишлилиги билан белгиланади.

XX аср Эрон шеъриятида янгиликлар киритиш ва анъаналар муаммоларини услубий ишлаб чиқиш Б.М. Хусейнов мақолаларида ёритиб берилган. Муаллиф XIX-XX асрлар давомида шеъриятнинг мазмун ва шакл соҳасидаги янгиланишини кўрсатибгина қолмай “Шеър-е ноу” нинг замонавий босқичини тушуниш учун муҳим жиҳатларини ажратиб бера олди. Шу ўринда “янги шеър” асосчилари адабиётни ҳар томонлама ўзгартириш, янги мазмунни Янги поэтик шаклларда баён қила бошладилар. Улар қофияларни орқа-олдинга ўтказиш ёки мисраларни узун-қисқа қилиб, келтириш билан чекланиб қолмасдан, энг муҳими иш услубини ўзгартириб,

³¹ Jarshater Ehsan “Persian letters in the last fifty years”. 1960, page -306

кинобхонларнинг онгли дунёсидаги тавсифий ва нақлий шаклларни шеъриятга кўчирдилар.

И.С.Брагинский ва Д.С.Комиссаров ўзларининг “Форс адабиёти” номли қисқа очеркида 40-50 йилларда мавжуд бўлган форс шеъриятининг янгиланиши ҳақида тўхталиб ўтилади. Янги форс шеърияти, хусусан “шеър-е ноу” нинг муаммолари Х.Г. Короглнинг янги адабиёт бўйича маърузалар курсида ёритиб берилган. Баъзи адабиётшунос олимлар “шеър-е ноу”ни эркин шеър билан таққослаш мумкин эмас деган фикрни билдириб ўтадилар. Бунга эркин шеър “янги шеър” нинг шаклларида бири деган қараш сабаб бўлади. Шеър-е ноу оқим сифатида ўзига жуда кенг тушунчаларни қамраб олади, жумладан, ғоянинг янгилиги, дунё ходисаларни ёритишнинг янги усуллари, янги кайфият, янги шеърий образлилик каби ҳолатлар.

Адабиётнинг умумий жонланиши ҳамда шеърият, насрда ва драматургияда янги номларнинг пайдо бўлиши адабий танқид даражасининг ошишига олиб келди. Бу даврда форс шеърияти жамият ва замоннинг ривожланиш тезлигига қараб, ўзининг шоҳона либосини ечиб ташлади. Янги шеър девон ва саройнинг тор деворларидан қочиб, кўча ва бозорларнинг кенг майдонига қадам ташлаб, қўзғалган халқ билан ҳамдам-у ҳамнафас бўла бошлади.

Шеъриятнинг асосий жанрий услублари охириги йилларда қисқа лирик шеърларни ташкил этмоқда³². Шоир шаҳар кўчаларида хунармандлар устахонаси, хиёбонлар ва чангли кўчаларда кўрган маиший манзарани ифодалаши замонавий форс шеърияти учун янгилик эди. Бундай жанрларда яратилган энг яхши асар чинакам реалистик руҳда ёзилган асарлардир. Сиёвуш Касроийнинг мазкур мавзуда ёзилган қуйидаги шеъридан мисол келтириб ўтамиз:

Жазирама дашт аро

Қизиб турган йўл сари

³² Д.С.Комиссаров “Современная персидская лирика”. Москва, 1961. Б.:14-15

Қуруқ шамоллар тафти

Сезилар сокинлик каби

Фалакда қуёш беаёв

Қумларни қилар жизганак

Беркилади қудуқлар кўзлари

Қизиганда ягона чодир

Янги шеърият доирасида шеърий шакл ва шеърий мазмун ўзгаришлари узвий боғлиқликда амалга ошди. Йиллар давомида сайқалланиб, ўзига хос бадий бутунликка айланди. Шеърда образлилик, ритм, поэтик сўз мутаносиблиги кучайди. Янги шеъриятда ритмнинг шеърдаги вазифаси анъанавий шеъриятга нисбатан бутунлай янги асосда қайта шакллантирилди. Ритм поэтик фикр портлашининг шеърдаги инъикосига айланди. Ритм-шеърнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Янги шеъриятда ритм ғоявий йўналиш ва шоир идрокининг муҳим ўринлари ифодасини берувчи муҳим вазифани ўз зиммасига олади. Янги шеъриятда ритмий оҳангдорлик бадий образлиликни яратувчи унсурлардан бирига айланди. Янги шеъриятдаги шеър ритмига оид ўзгаришлар қуйидагилар³³:

- ритм шеър ғоясини ифодалашга кўмак берувчи унсурга айланди;
- бадий зарб ва маромнинг шеър мазмуни билан алоқадорлиги кучайди;
- ритм бадий образнинг яратилишида иштирок эта бошлади;
- ритм текис ва нотекис ҳаракатлар орқали шеър мазмунига таъсир қила бошлади;
- ритмнинг эстетик моҳияти кучайди;
- лирик қаҳрамон кечинмалари ва ҳис-туйғулари ифодаси сифатида ритм муҳим ўрин тута бошлади.

Муҳаммад Ҳуқукийнинг “Янги шеър: пайдо бўлганидан ҳозиргача” номли китобида замонавий шеъриятда ижод қилган ҳар бир йирик шоир

³³ Тўйчиева Г.У. Эрон поэзиясида “янги шеър” адабий оқими такомил масалалари.// Сино, 2007, № 4.

ижодига, асарларининг библиографик характеристикасига тўхталиб ўтади³⁴. Бу эса “шеър-е ноу”нинг тарихий ривожига ҳамда шаклланиш босқичлари, шоирлар ижоди маҳсуллари бўйича тўлақонли, мукаммал ва сифатли ахборот олиш имконини беради.

Муҳаммад Ҳукукий тадқиқотига асосланиб, “шеър-е ноу” оқими тақомилини қуйидаги ўн йилликлар асосида шакллантириш мумкин:

Биринчи ва иккинчи ўн йилликлар – 1921-1941 йиллар – янги шеърятнинг асосий намояндаси Нимо Юшиж.

Учинчи ўн йиллик – 1941-1951 йиллар – Нимо Юшиж, Гулчин Гилоний, Фаридун Таваллолий, Парвиз Нотел Хонларий, Манучехр Шайбоний, Ҳушанг Ироний, Аҳмад Шомлу, Исмоил Шохрудий, Сиёвуш Касроий, Ҳушанг Ибтиҳож, Нусрат Раҳмоний.

Тўртинчи ўн йиллик – 1951-1961 йиллар – аввалги ўн йилликдаги шоирларга тадқиқотчи Фаридун Маширий, Муҳаммад Зоҳирӣ, Ҳасан Ҳунармандӣ, Нодир Нодирпур, Манучехр Оташи, Фўруғ Фўруғзод.

Бешинчи ўн йиллик – 1961-1971 йиллар – аввалги ўн йилликлардаги шоирлар таркибига тадқиқотчи Ядуллоҳ Амӣний, Бижан Жалолий, Ядулло Руӣй, Фаруҳ Тамимӣ, Маҳмуд Киӣний, Ризо Бароҳаний ва бошқалар.

Олтинчи ўн йиллик – 1971-1981 йиллар – аввалги ўн йилликлардаги шоир ва тадқиқотчилардан ташқари Козим Саодат Ашқурий, Жавод Мажобӣ, Муҳаммад Муҳторӣ, Эмрон Салоҳӣ ва бошқалар.

Еттинчи ўн йиллик – 1981-1991 йиллар – аввалги ўн йилликдаги шоирлардан ташқари Фаромарз Сулаймонӣ ва Шамс Лангрудӣ.

Шундай қилиб, Эронда XX асрнинг 40-йиллардаги шеърятда иккита: анъанавӣ ва янги типдаги йўналиш мавжуд эди. XX асрнинг бошлариданок ибораларнинг аниқлиги ва образларнинг соддалиги билан ажралиб турган хуросон услубининг янгиланган шакли ривожланди. Адабиётшунослар бу услубни асл форсӣ услуб деб ҳисоблаганлар. Чунки унинг пайдо бўлиши

محمد حقوقي : "شعر نوع از آغاز تا امروز". تهران، جلد دوم، 1996 ³⁴

мўғуллар истилосигача бўлган давр (XII аср)га бориб тақалади. Лекин қанчалик машҳур бўлмасин бу услуб Эрон шеъриятининг истиқболдаги асосий йўналишларини белгилаб бера олмади. Бу вазифани 40-50 йиллардан бошлаб “шеър-е ноу” адабий йўналиши ўз зиммасига олди. 60-70 йилларга келиб “шеър-е ноу” ўз ғоявий йўналишлари ва мавзулар силсиласига эга бўла бошлади. Унинг ўз эстетик идеали шаклланди, шеърият ўзига хос стилистик тузилишга эга бўлади. Янги шеърият жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи омилга айланди. Маданий жараённинг кенг ривожланиши расмий тарғиботнинг кучайиши билан баробар борди. Янги шеърият расмиятчилик, қотиб қолган ғоялар ва тизимлар, консерватизмга қарши ҳаракатга айланди. Янги шеърият жамиятдаги илғор ғояларнинг шаклланиши ва кенг тарқалишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, янги шеъриятга хос бўлган модернизмга қарамай бу оқим илғор ғояларнинг тарқалиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Янги шеърият доирасида шеърий шакл ва шеърий мазмун ўзгаришлари узвий боғлиқликда амалга ошди. Йиллар давомида сайқалланиб, ўзига хос бадиий бутунликка айланди. Шеърда образлилик, ритм, поэтик сўз мутаносиблиги кучайди. Янги шеъриятда ритмнинг шеърдаги вазифаси анъанавий шеъриятга нисбатан бутунлай янги асосда қайта шакллантирилди. Ритм поэтик фикр портлашининг шеърдаги инъикосига айланди. Ритм – шеърнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Янги шеъриятда ритм ғоявий йўналиш ва шоир идрокининг муҳим ўринлари ифодасини берувчи муҳим вазифани ўз зиммасига олади. Янги шеъриятда ритмий оҳангдорлик бадиий образлиликни яратувчи унсурлардан бирига айланди. Янги шеъриятдаги шеър ритмига оид ўзгаришлар қуйидагилар:

- ритм шеър ғоясини ифодалашга кўмак берувчи унсурга айланди;
- бадиий зарб ва маромнинг шеър мазмуни билан алоқадорлиги кучайди;
- ритм бадиий образнинг яратилишида иштирок эта бошлади;
- ритм текис ва нотекис ҳаракатлар орқали шеър мазмунига таъсир қила бошлади;

- ритмнинг эстетик моҳияти кучайди;
- лирик қаҳрамон кечинмалари ва ҳис-туйғулари ифодаси сифатида ритм муҳим ўрин тута бошлади.

1. 2. Сиёвуш Касроий шеърятти ва унинг ижоди адабиётшунослар талқинида

XX асрнинг йирик вакилларида бири шоир, форс шеърятининг отаси Нимо Юшижнинг шогирдларидан бири, Эрон ёзувчилар уюшмаси аъзоси ва сиёсий соҳада фаоллардан бўлган Сиёвуш Касроий ҳижрий 1305/милодий 1926 – йилда Исфаҳон шаҳрида дунёга келди. Отаси ва амакиси Исфаҳон губернаторлигида давлат арбоби ва бошқарувчи вазифаларида фаолият юритган. Сиёвушнинг оиласида беш фарзанд: тўрт ўғил ва бир қиз бўлиб, у оилада учинчи фарзанд бўлган³⁵. Гўдаклик чоғидаёқ оиласи билан Эроннинг пойтахти Техрон шаҳрига кўчиб келиб, Совет Миллий Сенатининг орқа томонидан қўним топади. Бошланғич талимни мазкур шаҳарнинг “адаб” номли мадрасада, ўрта таълимни дастлаб “низом” номли мадрасада, кейинчалик эса дорилфунунда олади. Сўнг Техрон университетининг ҳуқуқ факултетида ўқишини давом эттириб, бакалавр дипломини олади. Университетда ўқиш жараёнида у Паҳлавий давридан кейинги Эрон тарихидаги машҳур шахслардан бўлган Дорйуш Фўрухар, Дорйуш Хумоюн ва ҳатто шоҳ давридаги вазирлар доктор Абдулмажуд Мажидий ва доктор Бокер Алихонийлар билан замондош бўлган. Сиёсий ва ҳуқуқий соҳада таҳсил олган Сиёвуш ўз меҳнат фаолиятини Эрон Халқ Партиясида бошлайди. Гарчи у сиёсий соҳада фаолият юритсада, ақлий интилиш ва ёрқин имкониятлар уни замонавий форс шеърятти майдонига олиб кирди. У шоирликни чаҳорпоралар ёзиш билан бошлади. Сиёвуш дастлаб мумтоз қолипларда шеър битган бўлса, кейинчалик Нимо Юшиж йўналишида ижод қилишни афзал кўрди. Касроийнинг илк Нимо услубида ёзган шеъри “Пас аз ман шоери ояд” (“Мендан сўнг бир шоир келар”) деб номланади:

پس از من شاعری آید
که طوفان را نمی خواهد

در گفت و گو با بی بی کسرای، چهارشنبه 21 فروردین 1392³⁵

نمی جوید امید را
درون یک صد ف در قرعه دریاها
چشم آرزویش را...

پس از من شاعری آید
که من لب های او در دهان، شعرهای خویش می بوسم
اگر چه او نخواهد، ریخت اشکی بر مازار من.
من او را در میان اشک و خون خلق می جویم
و من او را درون یک سرود فتح خواهم صلحت³⁶

Унинг ёзган шеърлари сиёсий руҳ ва сиёсий қарашларни ўзида мужассамлаштиради. Шеърларининг бош мавзуси – инсон. Замона бедодлиги инсонга азоб, машаққат ва ситамни раво кўрган, шоир эса замона кўрсатган азоб ва ситамларнинг маълум қисмини ўз шеърларида тасвирлашга ҳаракат қилган. Шу сабабли ҳам шоирнинг баъзи шеърлари шиорларга ўхшаб кетади. Дастғейб ёш шоир Сиёвуш Касроийга шундай сифат беради: “50-йиллардаги ёш ҳазинг шеъриятнинг умид учқунлари, келажакка интилиш, ҳаёт кадр ва гўзалликни ўзича ҳис қиладиган хислатларни намоён қилади”.³⁷ Сиёвуш Касроий Маҳмуд Давлатободий, Нодер Нодерпур, Феридун, Фўруғ Фаруғзодлар билан дўстона муносабатда бўлган. Айниқса Ҳушанг Эбтехож (Соя) билан ака-укадек яқин бўлишган. Бу ҳақда Касроийнинг қизи шундай дейди: “Мен ҳамиша Ҳушанг Эбтехожга “Соя амаки” деб мурожаат қилардим. Ҳатто улар ака-ука бўлсалар керак деб ҳам гумон қилардим”.³⁸

Сиёвуш Касроийнинг шахсий ҳаётига келсак, у турмуш ўртоғи билан дўстининг уйида танишиб қолади ва дўстларига қараганда бироз кечроқ турмуш қуришади ва фарзандли бўлишади. Турмуш ўртоғи кучли, ўз кучига таянадиган, меҳнаткаш, чиройли ва фаросатли аёл бўлган. Шаҳарнинг катта мансаб эгалари унга либос тиктириш учун мурожаат қилишар эди. Уларнинг

³⁶ سیاوش کسرای، مقالات مجله شماره 18- بهمن، 1391 تاریخ و ادبیات

³⁷ دستغیب عبدوعلى "بررسی اجمالی در باره شعر نو" پیام نوین 1960 ص 29-32

³⁸ در گفت و گو با بی بی کسرای، چهارشنبه 21 فروردین 1392

ҳаёти рафиқасининг иши ва ундан келадиган даромат туфайли яхшиланиб борган. У фарзандларини шоир бўлишини истамаган. Ўғли иқтисод йўналишида таҳсил олган, докторли даражасига эга, катта қизи психолог, у ҳам докторлик даражасига эга, кичик қизи журналист, Москвада бакалавр дипломини олган, Гарвард университетида мазкур йўналишда қайта таҳсил олган.

Сиёвуш Касроий ёзган шеърлар дастлаб Эрон Халқ Партияси нашриётида чоп этилиб борди. Аммо кейинчалик ҳ.1361/м.1982-йилда сиёсий масалалар ва қийинчиликлар сабабли кутилмаганда чет давлатларига чиқиб кетишига мажбур бўлди³⁹. Умрининг охириги ўн икки йилини ғарибликда ва ёлғизликда ўтказди, бу йиллар унинг учун қийин ва оғир давр бўлди. У гўёки Эроннинг номини ҳаёлида такрорларди ва яна Эронга қайтишни чин дилдан хоҳларди ҳамда қолган ҳаётини ўз она ватанида ўтказишни истарди. У бу даврда дўст-у ёронларини унутмади ва уларнинг ёди билан яшади, улар учун шеърлар битди.

Касроий дастлаб Афғонистонга боради. У ерда аввалига яшаш жуда оғир эди. Сиёвуш ўзининг ёзувчилик иши билан банд бўлади, Афғонистондаги шоирлар ва адабиёт аҳли билан мулоқотда бўлади ва улар томонидан уюштириладиган йиғилишларда иштирок этади. 1987-йилда Москвага боради. У ерда ҳаёт янада қийинлашади. Сиёвуш Касроий рус тилини билмасди ва ўрганишни ҳам хоҳламасди. Аммо шунга қарамасдан у қўшнилари ҳурматини қозонган эди. Қўшнилари у билан ҳол сўрашса, у форс тилида жавоб берарди. У ҳаётдан мамнун инсон бўлгани сабаб, бу ердаги моддий қийинчиликлар унинг руҳиятига зарба бера олмади. Москвада 1995-йилгача яшаб, ундан сўнг Австрияга боради⁴⁰. Кўп ўтмай ҳ.1374/м.1996-йил баҳман ойининг 19-санасида юрагини жарроҳлик йўли билан даволайди, аммо Зотилжам касаллиги туфайли 69 ёшида Австрия

حسین فہیمی، "از اسطوره تا حماسه: نگاہی بہ آثار شاعر فقید سیاوش کسرای". سال 1390، ص 1³⁹

در گفت و گو با بی بی کسرای، چهارشنبه 21 فروردین 1392⁴⁰

пойтахтида бу дунёни тарк этади ва мазкур шаҳарнинг хунармандлар марказий қабристонида дафн этилади.

Сиёвуш Касроий Эроннинг илғор ёзувчиларидан ҳисобланади. Унинг инқилоб даврида ёзган шеърлари инқилобий руҳни аск эттиради. Сиёвуш Касроий Нимо мактабининг давомчиларидан ва Нимо Юшижнинг ҳақиқий шогирдларидан бири саналади. Ҳижрий 1330/милодий 1951-йилларда ўз шеърлари билан Нимо услубини яна бир бор шеърият майдонига олиб кирди ва умрининг охиригача мана шу услубга содиқ қолган ҳолда ижод қилди. Сиёвуш Касроий ҳ.1330/м.1950-йилларда аста-секин ўз шеърларини матбуотда нашр қила бошлади. Сиёвуш Касроийнинг шеърлари сиёсий руҳни ўзида мужассамлаштирган. Замонанинг қийинчиликлари ва хўрликларини тотган халқнинг руҳиятини ўз шеърларида тасвирлайди. Шу сабабли гоҳида унинг шеърлари шиор кўринишини касб этади. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Сиёвуш Касроий сиёсий руҳдаги шеърлар билан чегараланибгина қолмай, инсон, аёллар, дўст, баҳор каби ижтимоий мавзуларда ҳам ижод қилган.

У ёзган шеърларининг кўпчилигини Эрон адабий жамиятига ҳавола этган, бироқ шу ўртада у замонавий шеъриятнинг эпик дostonларидан ҳисобланган “Ораш-е Камонгир” дostonини ёзди ва ўз номини Эрон халқи хотирасига мангу муҳрлади. У ўз замонасининг ижтимоий ҳаётни куйлаб ёзган шеърлари, унинг бошқа мавзуларда ёзилган шеърларига қараганда муваффақият қозонган ади.

Шоирнинг охириги ўн йиллик ижоди тўғрисида ҳамда унинг улардан аввал яратган асарларига солиштириб гапирадиган бўлсак, унинг шеърияти дастлаб жамиятга ва тарихга оид илғор фикрлар билан бошланади. Касроий ижодининг бошланғич давридаги бу хислат ва унинг ўзига хос иқтидори 50-йилларда шаклланиб, бизгача етиб келди. Сиёвуш Касроий халқнинг мустахкам риштаси билан боғланган эди ва у жамиятда содир бўлаётган чуқур жараёнларга, эрон халқининг бошдан кечираётганларига хушёрлик билан фикр билдирарди. Биз таъкидлаган ёзувчининг ижодий чизгилари

“воқеликка бўлган жўшқин ижод, ҳаётнинг хилма-хиллигини ҳис қилиш, инсоний жўшқинлик” – хусусиятига эга бўлган ва улар охирги шеърларида ҳам ўз аксини топган.

Сиёвуш Касрой х.1347/м. 1968 – йилга қадар олтита мажмуа чоп этди. Сиёвуш Касройдан ўн учта шеърӣ асар мерос қолган бўлиб, улар қуйидагилар: “Ово” (“Ҳайқирик”), “Ораш-е камонгир” (“Араш – камончи”), “Хун-е Сиёвуш” (“Сиёвуш қони”), “Бо дамованд-е хомуш” (“Сукутдаги Дамованд билан”), “Санг ва Шабнам”, “Хонеги”, “Бе сўрх-е Оташ бе таъме дуд”, “Аз қерқ то Хуросон”, “Омрико, омрико” (Америка,америка), “Чеҳел келид” (Қирқ калит), “Пейванд”, “Сеторегон-е сепиде дам”, “Ҳавое офтоб”, “Мўҳре сўрх”.

Касройнинг илк шеърӣ китоби **“Ово”** (“Ҳайқирик”) номи билан ҳижрий 1336/ милодий 1958-йилда Техронда чоп этилди. Бу китоб 28 та шеърни ўз ичига олади. Мазкур шеърӣ китоб чоп этилган вақтда шоир 31 ёшда эди⁴¹. “Ово” (“Ҳайқирик”) шеърӣ китоби Нимо услубида ёзилган. Касрой халқнинг машаққатию қийинчилигини ўз кўзи билан кўриб, ҳис қилгани учун бу китоб шу мавзудаги шеърларни ўз ичига олади. Мазкур китобдаги “Ўўловчи ишчилар” ва “Шоликор” шеъри бунга мисол бўлади:

*Жазирама дашт аро
Қизиб турган йўл сари
Қуруқ шамоллар тафти
Сезилар сокинлик каби*

*Фалакда қуёш беаёв
Қумларни қилар жизганақ
Беркилади қудуқлар кўзлари
Қизиганда ягона чодир*

حسين فهمي، "از اسطوره تا حماسه: نگاهى به آثار شاعر فقيد سياوش كسرايى". سال 1390، ص 1⁴¹

Кун ва кун бир қадам олға
Ташлайди тўрт эркак шарпаси
Кўз очар тўртта белкурак
Оғир иш ёки ёпишқоқ тери

“Ово” (“Ҳайқирик”) шеърий китобидан ўрин олган шеърлар тили ва қурилиши нуқтаи назаридан унчалик мустахкам эмас эди. Аммо Касроий бу китобда таркибот ва изоҳларни чиройли акс эттира олди. У бу китобда ўзининг ҳис-туйғуларини жамият эҳтиёжи йўлида баён қилувчи ва ўзини халқга бахш этадиган бир шоир дунёга келишини айтади.⁴² “Маст” номли шеъри ушбу китобдаги энг чиройли шеърлардан ҳисобланади:

من مستم
من مستم و میخانه پرستم
راهم مینماید
پایم بگشاید
وین جام جگرسوز میگردد ز دستم

می لاله و باغم
می شمع و چراغم
می همدم من، همنفسم، عطر دماغم.

هوش رنگ
هوش آهنگ
لغزیده به جامم
از تلخ طعم وی اندیشه مداریم
گوار است به کامم

Мазмуни:

Мен мастман
Мен мастман ва майпарастман

حسین فهیمی، "از اسطوره تا حماسه: نگاهی به آثار شاعر فقید سیاوش کسرای". سال 1390، ص 1⁴²

*Йўл берарлар,
Йўл очарлар,
Ва азобловчи бу жомни оларлар қўлимдан*

*Май лолам-у боғим,
Май шамъ ва чирогим.
Май жонажон дўстим, хуш кайфиятим.*

*Гўзал,
Хушовоз,
Жомимда чайқалади.
Оғзимга ёқадиған,
Унинг аччиқ таъмидан бир сўзим йўқ*

Сиёвуш Касроий ўз шеърларини Эрон адабий жамиятига ҳавола этган. Бироқ, у ҳ.1338/м.1960-йилда замонавий шеърятнинг эпик достонлари қаторига киритилган **“Ораш-е камонгир”** (“Араш – камончи”) номли достони чоп этилади. Касроий ўзининг бу эпик достони билан ўз номини Эрон халқи хотирасига мангу муҳрлади. Ҳусайн Фаҳимий ўзининг “Марҳум Сиёвуш Касроий асарларига нигоҳ” номи остида чиққан мақоласида бу ҳақда шундай дейди: “Сиёвуш Касроийнинг “Ораш-е камонгир” (“Араш – камончи”) асари унинг номини Эрон замонавий адабиёти тарихида қолдирди ва у “Епик шеърни янги услубда баён этган илк шоир” унвонига сазовар бўлди”. “Ораш-е камонгир” (“Араш – камончи”) Сиёвушни Нимо услубида қалам тебратган Исмоил Шохрудий, Манучехр Шайбоний, Хушанг Ибтехож сингари шоирлар қаторига қўшди. Унинг бу эпик асари Сиёвуш ижодини энг чўққига олиб чиқди ва “Миллий шоир” номини олди⁴³. Бу достон Эрон замонавий адабиётидаги илк эпик достон ҳисобланади. Касроий ўзининг бу асарида содда баён шаклини, чиройли ва гўзал ўзига хос фикрларни назмга

حسین فہیمی، "از اسطوره تا حماسه: نگاہی به آثار شاعر فقید سیاوش کسرای". سال 1390، ص 2⁴³

солади. Достон ҳақидаги батафсил фикрларни кейинг режаларда кўриб чиқамиз. Эроншунос олим Мухтор Сақифий мазкур асар ҳақида шундай мулоҳаза билдиради: “Доктор Сиёвуш Касроийни “Ораш-е камонгир” достони орқали яхши танийман. Ҳанузгача чоп этилган бундай китобни кўрмаган эдим. Ҳар йили китоб кўргазмасига борганимда машҳур Сиёвуш Касроийнинг чоп этилган асарларини қидираман”⁴⁴. Мазкур асарнинг яралиши ҳақида ижодкорнинг қизи шундай дейди: “Ораш мен туғилишимдан аввал дунё юзини кўрган ва мен ҳамиша ҳазиллашиб, у бизнинг катта акамиз бўлади дейман”⁴⁵.

Унинг кўтаринки руҳдаги ва хурсандчиликни ифодаловчи бир нечта шеърлари 50-йилларнинг бошларида, аччиқ ҳаётни акс эттирган шеърлари эса 60-йилларнинг бошларида машҳур бўлди. Сиёвуш мамлакатни қамраб олган ғоявий танглик тўғрисида қаттиқ қайғуради, бундай лирик қайғуриш “Хун-е Сиёвуш” (“Сиёвушнинг қони”) шеърий тўпламининг юзага келишига сабаб бўлди.

Сиёвуш Касроийнинг навбатдаги **“Хун-е Сиёвуш”** (“Сиёвушнинг қони”) номли шеърий китоби ҳ.1341/м.1963-йилда Техронда чоп этилди. Бу китоб “Ораш-е камонгир” нинг иккинчи нашри сифатида ҳам ҳисобланади. Мазкур китобнинг муқаддимаси Хушанг Ибтехожнинг ёрқин фикрлари асосида ёзилган. Китоб “Вориз” номли аччиқ кулги остидаги шеър билан бошланади⁴⁶. “Хун-е Сиёвуш” шеърий тўплами эллик еттита гўзал ва сермазмун шеърларни ўз ичига олади. Мазкур тўпламдан ўрин олган шеърлардан “Мўрғ-е тўфон” (“Бўрон қуши”), “Андуҳ-е Симург” (“Симургнинг ғами”), “Буй-е баҳор” (“Баҳор нафаси”), “Жаҳон паҳлавон”, “Зендеги” (“Ҳаёт”) кабилар шоирнинг юксак маҳоратини намоён қилади:

بحر خاموش است، ساحل بی نوا

⁴⁴ Internet ma'lumoti: “در باره سیاوش کسرایی چه میگویند؟”

⁴⁵ در گفت و گو با بی بی کسرایی، چهارشنبه 21 فروردین 1392

⁴⁶ حسین فهیمی، "از اسطوره تا حماسه: نگاهی به آثار شاعر فقید سیاوش کسرایی". سال 1390، ص 2

آسمان آبی است، آرام است باد
روز بی کار است، بیمار است روز،
نیست در سیمای، ماتش رنگ نیست.

Мазмуни:

*Денгиз сокин, соҳил бебаҳра,
Осмон мовий, шамол ҳам беҳол.
Куннинг ҳам бир иши йўқ, дардчил
Юзида маҳлиёлик йўқ, хурсанд.*

Орадан бир неча йил ўтиб Касроий яна бир шеърий тўпламини нашрдан чиқаради. Бу шеърий тўплам аввалгисидан фарқ қиларди. Тўпламнинг номи “Тош ва шудринг” бўлиб, гўзал ва нафис тўртликлар: рубоий, дўбайтий ва тароналарни ўз ичига олади. Фолклор ва назмий анъаналар билан узвий ушбу шеърий жанрлар Касроий шеърларининг лирик йўналишини белгилаб берди. Ўзида нозик ишқий туйғуларни гўзал табиат чизгилари билан ифода этган ва шоирнинг ўзгарувчан кайфиятини гоҳида ғамгин армон, гоҳида умид учқунлари ва келажакка интилиш ҳислари мужассам бўла бошлади.⁴⁷ Қуйида улардан парчалар келтирамиз:

چشم به کران شب نگه می ساید
وین راه به غم در شده را می پاید
گویند که رفته بر نمی گردد باز
اما دل من می تپد: او می اید

Мазмуни:

*Кўзим тун пардасига қадалган,
Ва бу йўл пойлайди ғамга ботишимни
Дерлар: кетган қайтиб келмайди,
Аммо юрагим дукиллаб урар: у келади. (рубоий)*

پرستوی فراری از بهارم

⁴⁷ В.Б.Кляшторина. Новая поэзия в Иране. Москва, 1975, Б.:130

يک امشب میهمان این دیارم
چو ماه از پشت خرمن ها بر اید
به دیدارم بیا چشم انتظارم

Мазмуни:

*Баҳоримдан кетган қалдирғоч,
Меҳмон бўлиб кел, бу кун қошонамга.
Ой мисоли қўтарилиб хирмон ортидан,
Интиқиб кутганим, дийдорлашиш учун кел. (тарона)*

Касроий ўзининг ҳис-туйғуларини лўнда ифодалайди. “Тонг ва шудринг” шеърий китоби нашр бўлганига кўп бўлмай, чамаси тўрт ойдан сўнг ҳ.1345/ м.1967-йилда “Бо Дамованд ҳомуш” номли шеърий тўпламини нашрдан чиқаради. Бу тўпламида Касроий ўзининг мураккаб бўлмаган ва омма билан алоқага кириша оладиган мустақил тилини ҳам намоён қилади ва бир неча янгиликларни ўқувчиларга ҳавола этади.

Икки йилдан сўнг, яъни, ҳ.1347/ м.1969-йилда “Хонеги” номли шеърий тўпламлари чоп этилди. У мазкур шеърий китобида ҳамма нарсага қарши чиқади. Бир сўз билан айтганда, жамиятда қабул қилинаётган қарорларнинг барчасига ўзгартиришлар киритиш тарафдори бўлади ва фикрларини баралла айтади.

У ҳ.1357/м.1978-да Эрон инқилоби арафасида “Аз керқ то Хуросон” номли шеърий мажмуасини нашр этади. Шу йилларда аввал ёзган шеърларини тўплайди ва янги шеърларини қўшиб ўзининг антологиясини адабиёт шинавандалари эътиборига ҳавола этади⁴⁸. Эрон Ислом Республикаси деб эълон қилингандан сўнг ҳ.1358/м.1979-йилда Сиёвуш Касроий сиёсат майдонига оид бўлган “Омрико, Омрико” (“Америка, Америка”) номли шеърий тўпламини нашрдан чиқаради.

⁴⁸ ایران نامه "شماره 53" سیاوش کسرایی از صفحه 163

Сиёвуш Касроий умрининг охирларида илк бор хорижда ўзининг “Мўҳр-е сўрх” номли достонини чоп этади. Бу дoston “Араш-е Камонгир” достонининг бошқача кўриниши сифатида талқин қилинади⁴⁹. Бу дoston ғамгин ва аянчли тақдирларни кўрсатиб беради.

Касроийдан бизларга қолган сўнгги асари “Ҳаво-е офтоб” шеърий тўплами бўлиб, у олтмиш саккизта шеърни ўз ичига олган. Мазкур тўпламдан “Поиз” (“Куз”), “Дерахт-е тў” (“Сенинг дарахтинг”), “Ўмр-е ман” (“Менинг умрим”), “Воже-е делхоҳ” (“Дил истаган гаплар”), “Ей эшқ” (“Ей ишқ”) каби шеърлар ўрин олган.

Шу ўринда савол туғилади. Сиёвуш Касроий сўнгги ўн йилдан ўртиқ умрини Эрондан ташқарида, яъни хорижда ўтказган бўлса, қандай қилиб унинг шеърий тўпламлари Техрон нашриётларидан бирида чоп этила борди? Бу саволга жавобни Сиёвуш Касроийнинг қизи отаси ҳақида берган интервьюсида шундай дейди: “Менинг холам Эронда ношир эди. Отамнинг китобларини кетма-кетлик билан имкон даражасида Эронда чоп эттира борди. У отамнинг китобини тартибли ва нафис кўринишда нашрдан чиқарарди”.

Сиёвуш Касроий вафотидан сўнг унинг ёзган асарлари яхлит бир китоб ҳолида нашр қилинади. Кейинчалик Сора Ҳалилий томонидан инглиз тилига таржима қилинади ва нашр этилади. Унинг асарларидан бир қанчаси француз тилига ҳам таржима қилинган.⁵⁰

Шундай қилиб, Сиёвуш Касроий Эроннинг илғор ёзувчиларидан ҳисобланади. Унинг инқилоб даврида ёзган шеърлари инқилобий руҳни акс эттиради. Сиёвуш Касроий Нимо мактабининг давомчиларидан ва Нимо Юшижнинг ҳақиқий шогирдларидан бири саналади. Ҳижрий 1330/милодий 1951-йилларда ўз шеърлари билан Нимо услубини яна бир бор шеърият майдонига олиб кирди ва умрининг охиригача мана шу услубга содиқ қолган ҳолда ижод қилди. Сиёвуш Касроий х.1330/м.1950-йилларда аста-секин ўз

49 حسین فہیمی، "از اسطوره تا حماسه: نگاہی بہ آثار شاعر فقید سیاوش کسرای". سال 1390، ص 4

50 درگفت و گو با بی بی کسرای، چهارشنبه 21 فروردین 1392

шеърларини матбуотда нашр қила бошлади. Сиёвуш Касроийнинг шеърлари сиёсий руҳни ўзида мужассамлаштирган. Замонанинг қийинчиликлари ва ҳўрликларини тотган халқнинг руҳиятини ўз шеърларида тасвирлайди. Шу сабабли гоҳида унинг шеърлари шиор кўринишини касб этади. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Сиёвуш Касроий сиёсий руҳдаги шеърлар билан чегараланибгина қолмай, инсон, аёллар, дўст, баҳор каби ижтимоий мавзуларда ҳам ижод қилган. Сиёвуш Касроий х.1347/м. 1968 – йилга қадар олтига мажмуа чоп этди. Сиёвуш Касройдан ўн учта шеърый асар мерос қолган бўлиб, улар қуйидагилар: “Ово” (“Ҳайқирик”), “Ораш-е камонгир” (“Араш – камончи”), “Хун-е Сиёвуш” (“Сиёвуш қони”), “Бо дамованд-е хомуш” (“Сукутдаги Дамованд билан”), “Санг ва Шабнам”, “Хонеги”, “Бе сўрхи-йе Оташ бе таъме дуд”, “Аз қерқ то Хуросон”, “Омрико, омрико” (Америка,америка), “Чехел келид” (Қирқ калит), “Пейванд”, “Сеторегон-е сепиде дам”, “Ҳавое офтоб”, “Мўхре сўрх”.

Сиёвуш Касроий бир қанча машҳур шоирлар билан илиқ муносабатда бўлган. Масалан, Махмуд Давлатободий, Нодер Нодерпур, Феридун, Фўруғ Фаруғзодлар билан дўстона муносабатда бўлган. Айниқса Ҳушанг Эбтехож (Соя) билан ака-укадек яқин бўлишган. Касроийнинг қизи уларни ҳудди ака-укадек бўлиб кетганликлари ҳақидаги маълумотни ўз интервьюсида келтириб ўтганлиги маълум бўлди.

1.3. Ижодкор яратган рамзий тасвирдаги образлар

Индивидуал услуб деганда биз ижодкорнинг воқеликни ўзича идрок этишини, воқеа-ҳодисаларни ўзига хос образлар ва ифода-тасвир воситалар билан акс эттиришини англаймиз⁵¹. Услуб шоир ва ёзувчи асарларида яққол кўзга ташланувчи, ажралиб турувчи ғоявий-бадий хусусиятларидан ташкил топади. Индивидуал услуб ҳақиқий ижодкорлик талантига, ўзига хос эстетик идрокка ва дидга эга бўлган шоир ва ёзувчи ижодидагина бўртиб кўринувчи белгидир.

Форс замонавий шеъриятида жанрлар ранг-баранглигидан далолат берувчи адабий фактлардан бири – бу тасвирий образлар ва символлар ёрдамида дунёга келган шеъриятдир. Символик шеърият воқеликни, инсон ҳис-туйғуларини рамзлар, поэтик символлар орқали акс эттиради.

Эрон замонавий шеъриятининг сўнги ярим асрлик тарихига назар ташласак, унда Нимо Юшиж, Гулчин Гилоний, Фаридун Таваллолий, Парвиз Нотел Хонларий, Муҳаммад Зоҳерий, Манучеҳр Оташи, Фўруғ Фаруғзод, Фаромарз Сулаймоний ва Шамс Лангрудий каби қатор ўзига хос шоир ва ёзувчиларнинг серқирра ижодига гувоҳ бўламиз. Бу шоирларнинг ҳар бирининг ўзига хос тематика ва поэтик мазмун, образлар олами, жанрлари ва поэтик формалари, тили ва стилистик услублари билан ажралиб туради. Шунингдек форс замонавий шеърияти намояндалари поэтик символлардан ўз мақсадлари ва ғоялари йўлида фойдаланганликларининг гувоҳи бўламиз.

Символик образ яратишда бир қанча шоирлар кўпинча бир хил предметларга ёки бир-бирига яқин ашёлар ва атрибутларга мурожаат қилишлари мумкин. Бир хил символик образлардан фойдаланганда ғоявий-бадий бир хилликка, бир-бирини такрорлашга, сийқаликка йўл қўймаслик шеъриятнинг зарур шартларидан саналади. Шу нуктаи назардан замонавий

⁵¹ Нуриддин Шукуров. “Услублар ва жанрлар”. Тошкент, 1973, Б.:7

форс шеърлятида турли шоирларнинг бир хил символик образ асосида ёзган шеърларини чоғиштириб, таҳлил қилиш қизиқарли ишлардан ҳисобланади.

Сиёвуш Касроий ҳам ўз шеърларидан шундай символик образлардан ва тасвирий воситалардан моҳирона фойдаланган. Унинг поэтик услуби ватанпарварлик ва реалистик воқеалар асосида шакллана борган. Касроий қалбидаги ҳисларини ифодалаш учун одатда табиат элементларига мурожаат қилади:

*Қуёш ҳудди пилладай, ўралган булут қарига,
Фарқиқи ўзидан иссиқлик берар.
Уфқ қораяр ҳаво бўғар заҳри қотил мисоли
Фақир шаҳар, ёмғирни кутар.*

*Ғубор тўла гул баргларида,
Ғубор чўккан сарғиш япроқларида.
Ғубор тўла ҳатто ойналарда ҳам
Шамол уф тортар тинмайин
Қоқсуяк чириган тарновларида.
Ташна ва қизиб турган қатқалоқ ва.... Йўллар
Узоқларга чўзилиб кетар
Ва ундан келаётган қадамлар
Ҳорғин қоялардан тушган соялар,
Қизгин,
Қизгин,
Қизгин.*

“Пилла” экзистенциализм адабиётида фаол ҳаётдан ўз ички “мен”ига, ички оламига қочиш, беркиниш, кетиш маъносини ифодалаовчи рамздир.

“Ёмғир” – поклик рамзи. Ёмғир ғуборни ювади. Шунингдек ёмғир янги қараш, янгиланиш ва самимийлик рамзидир ҳам. Касроий “фақир шаҳар ёмғирни кутар” мисраси билан жамиятимиз, халқимиз янгиланишни кутмоқдалигига, инсонларнинг янгича фикрлар билан олға интилишига

ишора қилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, янги жамият қуриш ва янги фикрлаш – бу янги замонга қадам қўйиш, янги ҳаёт тарзини шакллантиришга қўйилган илк қадамдир.

Сиёвуш Касроийнинг “Баҳор соғинчи” номли шеъри умидсизликни четлаб ўтиб, сабр-тоқатлилик сари чорлайди:

*Қоронғу, зерикарли қиш кечаси,
Гуллар эринганда япроқларин очишга.
Шамолларда елпинар ёлғиз бойчечак,
Шимолдан эсан совуқ тафтига.*

*Мен қандай тушунтираман одамларга,
Нима қиларман булбулларни ишонтиришга.
О, қиш, сенинг хорғин кўзларингда тўла
Совуқ хадиклар йиғилишига.*

*Далаларда кезганда баҳор,
Қалбимга бир ёруғлик тўлар.
Булоқлар уйғонганида харсангни суриб,
Дилимда ёруғлик ва қувонч сурури урар.*

Шоирнинг илк “Ово” номли шеърий тўпламидан ўрин эгаллаган мазкур шеърда борлиқ тушунчаси билан уйғунлашган табиатни ўзида мужассам этади. Мазкур шеърда биз Касроий бир неча тасвирий воситалар орқали ўз ҳисларини ифодалаганини гувоҳи бўламиз. Шоирнинг мақсади шеърда табиат унсурлари бўлган гул, бойчечак, булоқ билан боғлиқ ғояни рамз ҳолига келтириб, асл ички муддаони айтишдир. Масалан, “гул” – гўзаллик рамзи. Гул вужудини идрок қилиш, уни ҳис қила билиш ва ниҳоят гўзалликни сезиш ҳам ҳаётдир. У “шамолларда елпинар ёлғиз бойчечак, шимолдан эсан совуқ тафтига” деб бежизга айтмайди. Чунки у бойчечак

тимсолида ўз юртининг кишиларини, шимолдан эсган совуқ тасвирида эса озодлик ва эркинликка раҳна солаётган кучларни кўради.

Касроий шеърятини ҳаракатлантирувчи бош ғоя – идеал – озодлик ва эркинлик мавзусига бориб тақалади:

*Бекор эмас, тасодиф эмас
Булбул ғамгин қўшиқ куйлайди.
Атиргул бизнинг заминда
Жуда ҳам чиройли гуллайди.
Тақдир эса бизнинг заминда
Аямай бешавқат эзар.
Олмосдек ялтирар дарёларимиз
Лек булбул ғамгин қўшигин куйлар.
Нолалар қалбларни ўртар.
Чунки куз бева аёлдай ғамгин
Худди бева аёлдай сабрсиз тушкун.*

(Куз даври)

Сиёвуш Касроийнинг “Ғазал бароие дерахт” номли ғазалидан парча:

تو قامت بلند تمنای ای درخت
همواره خفته است در آغوش آسمان
بالایی ای درخت
دستت پر از ستاره و چشمت پر از بهار
زیبایی ای درخت
وقتی که بادهای
در برگ‌های در هم تو لانه می‌کنند
وقتی که بادهای
گیسوی سبز فام تو را شانه می‌کنند
غوغایی ای درخت

وقتى كه چنگ وحشى باران گشوده است
در بزم سرد او
خنيانگر غمين خوش آوايى اى درخت

Мазмуни:

*Сен, баланд бўйли орзулар тимсоли, эй дарахт,
Осмон огушидасан ва доимо қаддинг букик,
Сен шундай сарвқоматсан, эй дарахт.
Қўлинг юлдузларга тўлган, умринг баҳорга,
Сен шундай гўзалсан, эй дарахт.
Шамоллар эсганда,
Чигаллашган баргларингдан инлар қурашлар.
Шамоллар эсганда,
Сабза кокилларинг тарашлар,
Сен шундай садосан, эй дарахт.
Дахшатли чанг бўронлари эсганда
Унинг совуқ зиёфатида
Хуш овозли ғамгин қўшиқчисан, эй дарахт...*

Мазкур шеър Касроийнинг “Бо дамованд-е хомуш” (“Сукутдаги Дамованд билан”) номли тўпламидан ўрин олган бўлиб, мазкур тўпламдаги шеърларида Касроий омма кайғусини кўрсатишда янада юксакликка эришди. Бу асарларида шоир Дамованд тоғи образидан ўзига хос равишда она ватан тимсолини яратишда фойдаланди.⁵² У юқорида келтирилган шеърида дарахт образи ёрдамида ўз халқини нақадар қудратга эғалигини кўрсатиб ўтмоқда.

Шундай қилиб, Сиёвуш Касроий ўзининг шеърларини яратишда символик образлардан ҳам моҳирона фойдалангани, уларга ижодкорона ёндашганини гувоҳи бўламиз. Унинг поэтик услуби бошқа форс замонавий шеърляти намояндаларидан фарқли равишда ватанпарвар ва реалистик воқеалар асосида шакллана борган. Ижодкор ёзган шеърларининг кўпгина

⁵² В.Б.Кляшторина. Новая поэзия в Иране. Москва, 1975, Б.:131

қисмида биз табиат элементларини учратишимиз мумкин. “Пилла”, “ёмғир” каби тасвирий воситалардан фойдалана туриб, ўз жамиятини янгиланиш сари етаклашдек эзгу орзусини кўрсата олган. Масалан, Касроийнинг “ёмғир” номли шеъридаги “фақир шаҳар ёмғирни кутар” мисрасида ўз жамиятининг, халқининг янгиланишни кутмоқдалигига, инсонларнинг янгича фикрлар билан олға интилишига ишора қилади.

Шунингдек, у тушкунлик, умидсизликни қоралаб, сабр-тоқатлилиқ сари чорлайдиган шеърлар ҳам битган. Буни биз “Баҳор соғинчи” номли шеъри мисолида кўриб чиқдик.

Сиёвуш Касроий ўз шеърларида табиат унсурларидан кенг фойдаланган. Шеърларида қўллаган бош ғоя эса озодлик ва эркинлик бўлган.

2-боб. Сиёвуш Касроий шеърлятида афсонавий образлар ва уларнинг замонавий кўриниши

2.1. Сиёвуш Касроий шеърлятида афсонавий қахрамонлар образлари

Халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули бўлган афсона ва мифлар асосан конкрет тарихий шароит ва воқеалардан келиб чиқади. Ҳаёт машаққатлари ва халқ орзуларини ўзида акс этган бу афсона ва мифлар К.Маркс таъкидлаганидек, “Инсоният жамиятининг болалик даври” ҳақидаги гўзал бадиий лавҳалардир”⁵³.

Афсоналар замонавий шеърнинг мазмун - моҳиятини ҳамда тилини мувозанатда ушлаб турувчи асосий унсурлардан бири ҳисобланади. Афсоналар гарчи қадимги дунёга таълуқли бўлиб, Қудсий ва Мейнавийнинг ривоятларида келтириб ўтилган бўлсада, инсонлар тасаввурида ўша даврни гавдалантирган. Шунингдек, янги давр ва интелгентлар асрида бугунги кун инсонлари ақл – заковатида ҳам ўз таъсирини кўрсатган⁵⁴.

Афсоналар адабиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган тушунча бўлиб, баъзи тақдирларнинг бошқаси билан ўхшашлигига ишонишдир. Гарчи афсоналар дастлаб Қудсий ва Майнавий ривоятларида биринчилар қаторида айтиб ўтилган ҳамда уларда қадимги дунё одамларининг дунёқарашини баён қилиш вазифаси юклатилган бўлсада, бироқ бугунги кунда афсоналар энди мавжуд бўлмайдигани дегани эмас. Янги даврларда шаклланган асарларни мутолаа қилиб шуни айтиш мумкинки, афсоналар ўтган даврга хос эмас, улар турли даврлардаги адабий асарларда кўзга ташланиб туради. Қадимги афсоналарнинг давомини янги даврда юзага келган асарларда кўрамиз. Шу сабабдан айтиш керакки, ғарбда бўладими ёки ўзимизнинг мамлакатдами

⁵³ Ўзбек адабиёти тарихи. 1978. Б.:23-24

⁵⁴ ادبيات پژوهش، شماره 9، پاییز 1388، مقاله حسین حسن پور آلاشتی، مراد اسماعیلی. "تحليل اسطوره ها در اشعار سیاوش کسرای". ص90

нафақат афсонавий қаҳрамонлар мавқеининг осиши, балки шоир ва ёзувчиларнинг кўпгина асарларини тушуниш фақатгина ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган афсоналар ҳақидаги билимлар билан боғлиқдир.

Шунга кўра афсонавий қаҳрамонлар тақини замонавий адабий асарларда қадимий давр адабий асарларига қараганда кўпроқ кўринишга эга. Чунки замонавий давр санъат усталари ўз асарларида баъзи қадимий афсонавий қаҳрамонлардан фойдаланганлар, уларга бир оз ўзгартириш киритиб, гўёки янги афсонавий қаҳрамонларни яратганлар ва ҳаттоки баъзи тарихий сиймоларда афсонавий образни намоён қилганлар. Умуман олганда замонавий давр шоирлари шеъриятида мавжуд бўлган турли афсонавий қаҳрамонларни қуйида келтириб ўтамиз:

1. Қадимий афсоналарни ҳеч ўзгартиришсиз қайта яратиш.

Замонавий шоир афсоналар нуқтаи назаридан қараб, аср билан боғлиқ бўлган барча ўзгашликлар асосида шакллантиради, ўзгартиришга эса эҳтиёж сезилмайди. Шу тариқа афсонани ўз шеърларида қайта яратади. Дарҳақиқат, бу турдаги афсоналарнинг давомийлиги сири ҳозирги асрда уларнинг шу даврнинг ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқлик кудратидир. Мисол тариқасида Сиёвуш Касроийнинг “Ораш-е камонгир” шеърӣ достонида келтирган афсоналарни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

2. Қадимги афсоналарга ўзгартириш киритган ҳолда қайта яратиш.

Бу ҳолатда агар афсоналар юзага келиш ҳолатлари билан фарқ қилса ва уларни қайта яратишнинг имкони бўлмаса, унда шоир афсоналарни ҳозирги шароит билан мосташтириш учун бу афсоналарни ўзгартиришга кўл уради. Зеро, “Афсоналар ҳар замонда ўзининг алоҳида шаклида, ўрнига ва татбиқ этиш хусусиятига эга бўлган. Вақт давомида, географик чегараларда ва турли инсонлар орасида ўзгартириш мумкин ва янги маънони акс эттиради”. Доктор Хонларининг Симурғ даврнинг акзистенсиализм ғоялари таъсирида ноилож асотирлар ҳам шу ғоянинг “жозибалилиги”ни ўзига камраб олган⁵⁵.

⁵⁵ حسين حسن پور آلاشتى، امانحائى. 1385 ص 1

3. Тарихий шахслардан афсоналар яратиш.

Афсоналар янги жамият тафаккури билан мослашиш имкониятига эга бўлмайди, ўз жойини янги афсоналарга бўшатиб берган. Бу йўналишда афсоналар яратиш кўпинча тарихий сиймолардан афсонавий образларни ўз ичига олади ва кўпроқ сиёсий характерни сақлаган янги аср намуналари сифатида юзага келади.⁵⁶

Сиёвуш Касроий ҳам Нимо Юшиж, Аҳавон Солис, Аҳмад Шомлу, Кадкани каби истедодли ва номдор шоирлардан бири. У давр талабларини инобатга олиб, эҳтиёткорлик билан қадимий афсоналардан ва тарихий сиймолардан фойдаланган ҳолда афсоналар яратиши унинг шеърларига ўзига хос тароват бахш этган ва унинг абадийлигига сабаб бўлган.

Ҳар бир шоир ўзининг билим доирасида келиб чиқиб, ақл – заковати ортидан баъзи афсоналарга кўпроқ эътибор қаратганлар. Сиёвуш Касроий ҳам ўзининг идеологик ва сиёсий қарашлари орқали, шунингдек, замон билан уйғун ҳолда аҳамиятга молик меҳнати билан афсоналардан фойдаланган ва баъзи ҳолатларда уларга ўзгартиришлар ҳам киритган. У ҳатто тарихий сиймолардан афсоналар яратиб, уларга афсонавий кўриниш берган.

Сиёвуш Касроий ўзининг “Ораш-е Камонгир”, “Жаҳон Паҳлавон”, “Андух-е Семурғ” ва “Мўҳр-е сўрх” эпик достонларида турли афсонавий ва тарихий образлардан фойдаланганини гувоҳи бўламиз. Кўплаб замонавий ёзувчи ва шоирлардан фарқли ўлароқ Касроий ўзининг сиёсий ва идеологик қарашларини ўз поэзиясида ифода этади ва баъзи афсонавий қаҳрамонлардан асрга боғлаган ҳолда фойдаланади, баъзи ҳолларда унга бироз ўзгартиришлар киритади. Қуйида Сиёвуш Касроий ўз шеърларига жалб қилган қаҳрамонларнинг баъзиларини кўриб ўтамиз:

⁵⁶ اسماعيل پور 1388 ص 73

Сиёвуш образи

Сиёвуш Эрон халқининг миллий афсоналаридан бири ҳисобланади. Узоқ йиллардан бери Сиёвушнинг ғам-андуҳини улуғлаб келадилар. Сиёвуш Кайковуснинг ўғли ва Кайхусравнинг отасидир.

Сиёвуш номи келтирилган энг қадимги манбалар зардуштийлик динидан қолган афсоналардир.⁵⁷ Эрон шахзодаси Сиёвуш ва Турон подшоҳи Афросиёб ўртасидаги муносабатлар, шу асосда Эрон ва Турон алоқалари озми кўпми Сиёвуш афсонасида ўз аксини топган. Сиёвушнинг шухрати кўпроқ Ўрта Осиёда ёйилганлиги Хоразм ва Бухорода машҳур бўлган тарихий манбаларда келтирилади. Сиёвушнинг шухрати кўпроқ ўрта осийда ёйилганлиги Хоразм ва Бухорода машҳур бўлган тарихий манбаларда келтирилган. Сиёвуш афсонасининг тарихий илдизлари “Авесто”да учрайди. С.П.Толстовнинг хабар беришича, Сиёвуш милоддан аввалги XIII асрда Хоразм давлатига асос солган. Бу хабарни Толстов Беруний маълумотларига асосланиб келтиради⁵⁸.

Сиёвуш вафоли йигит. У ўғай онасининг беодобона таклифини рад этиб, мен отамга бевафолик қила олмайман, дейди. Афросиёб билан сулҳ тузгандан сўнг отаси Кайковуснинг бу сулҳни тузиш тўғрисидаги буйруғини рад этади. Чунки у ўз сўзига вафодор эди. Шу туфайли у Эрон томонидан Афросиёб томонига ўтишга мажбур бўлади. Бир сўзлилиқ, қатъият, тўғри фикр ва ҳукмга садоқат уни шу қарорга олиб келади. Унинг донолиги, ақл-заковати, одоби Афросиёбни хавотирга туширади. Натижада Сиёвуш Афросиёбнинг буйруғи билан ўлдирилади.

Сиёвуш - Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги афсонавий образ ҳисобланади. Сиёвуш ўз умрини Турон ва Эрон халқлари тинчлиги учун фидо қилган шахс ҳисобланиб, форс адабиётида олийҳиммат, фидоий, садоқат тимсоли ҳамдир. Фирдавсий “Сиёвуш” достонида зулм-зўрлик, ўзаро феодал урушлар, манманлик ва шошқалоқлик, фисқ-у фасод, ғийбат-у иғво, ноҳақ қон тўкиш,

⁵⁷ حماسه سيوش. دانشگاه تربيت معلم ص 3

⁵⁸ Ўзбек адабиёти тарихи. 1978. Б.:32-33

талончилик ва хонавайронликни қаттиқ қоралаб, самимий муҳаббат, ақл - заковат ва қаҳрамонлик, халқ, ватан ҳақида ғамхўрлик қилиш, сулҳпарварлик ва халқлар дўстлигини улуғлайди.⁵⁹ Фирдавсий “Шоҳнома”сида келтирилган “Сиёвуш достонининг қисқача мазмунини келтириб ўтамиз:

Кунлардан бир кун Тус билан Гев Турон чегарасида бир соҳибжамолни учратишади. Суриштиришса, Афросиёбнинг укаси Гарсеваз авлодларидан экан, она томондан эса Фаридунга боғланар экан. Қиз: отам маст ҳолда уйга келиб, ханжар билан мени ўлдирмоқчи бўлди, ундан қочиб бу ёқларга беркиндим, дейди. Гев билан Тус қизни талашиб ўзаро жанжаллашиб қолишади. Шунда ҳамроҳлардан бири ўртага тушиб, муаммони ҳал қилади, Яъни, қизни подшоҳ Ковус ҳузурига элтиб, ундан маслаҳат сўрайдилар. Ўғул қизни кўрган Ковус шоҳ: ўзаро ихтилофлар ҳал бўлди, қиз шоҳга насиб этди, дейди. Бир қанча вақт ўтгач, бу соҳибжамол ўғил туғади ва унга Сиёвахш (Сиёвуш) деб исм қўядилар. Бир куни Рустам Ковусга гўдакни унга топширишларини ва унинг тарбияси билан ўзи шуғулланишини таклиф қилади. Албатта бу таклиф шоҳга манзур бўлади. Бола балоғатга етгунга қадар барча диний ва дунёвий билимларни ҳамда жанг усулларини ўрганади. Сўнг Сиёвуш Рустам билан бирга саройга отасининг ҳузурига келади. Унинг донолиги-ю баҳодирлигидан бутун сарой аъёнлари лол қоладилар. Отаси уни етти йил давомида синовдан ўтказди ва унда мардлик, ҳалоллик ва покликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Саккизинчи йили унинг бошига тож кийдириб, Гулистон мулки ҳокимлигини унга топширади. Ковуснинг ёш хотини Судобанинг назари Сиёвушга тушгач, унга ошиқ бўлади, ўз хосхонасига таклиф этиб, коми дил ҳосил қилмоқчи бўлади ва Сиёвуш менга зўрлик қилди, деб дод солади⁶⁰...Орадан бир неча вақт ўтгач, Ковус ўғли бегуноҳ эканлигини тушуниб етади. Аммо Судоба янги фитна кўзгайди. Бир хомиладор ахриман табиат аёлга зару зевар бериб, сотиб олади ва дори бериб боласини туширади. Судоба ўша тушган гўдакни бир тоғарага солиб:

⁵⁹ Ҳамиджон Ҳомидий. “Фирдавсий ва Ўзбек адабиёти”. Тошкент, 2012. Б.:162

⁶⁰ Абулқосим Фирдавсий. “Шоҳнома” (Сайланма) Тошкент, 2012. Б.:148-149

мен хомиладор эдим, Сиёвуш менга ёпишиб зўрлик қилмоқчи бўлиб, боламни туширди деб фарёд чекади. Ковус дарғазаб бўлиб, уламоларни маслаҳатга солади. Натижада, улар Сиёвуш ўз бегуноҳлигини исботлаш учун улкан тоғлардай ўтинлар ёқилган гулхан ичидан ўтиши лозим. Агар олов уни куйдирмаса, Сиёвуш бегуноҳ ҳисобланади. Ҳақиқатдан Сиёвуш осмонўпар гулхандан эсон-омон чиқади. Ўша кунлари Турон шоҳи Афросиёб Туронга ҳужум қилади. Сиёвуш Судобанинг фитнасидан қутулмоқ учун ушбу урушда қўмондонликни бўйнига олади. Подшо уни Рустам хамроҳлигида жангга жўнатади. Улар Туронийлар устидан ғалаба қозониб, сулҳ тузишга мажбур бўладилар. Рустам ва Сиёвуш эҳтиёткорлик билан ҳамда қатъий ишонч ҳосил қилиш учун Афросиёб қариндошлари ва Турон зодогонларидан Гургонга юборишларини ва Афросиёб кўшинини Жайхуннинг нариги қирғоғига ўтиб кетишини, босиб олган ерларни эса бўшатишни сўрайдилар. Афросиёб шундай қилади ва Сиёвуш шартномага имзо чекади. Аммо бу шоҳ Ковуснинг ғазабланишига сабаб бўлади. Ковус “Афросиёб сизларга совға – саломлар юбориб, хийла билан сулҳ тузишга эришибди” дея танқид қилади ва Афросиёбга қарши жанг қилишга фармон беради. Бу вазиятда Сиёвуш сулҳни бузолмасди, саройга ҳам қайтолмасди. У ноилож Афросиёбга нома юборади. Афросиёбнинг совға-саломларини юз туроний билан қайтариб юборади ва Турон орқали бошқа юртларга бош олиб кетишга йўл беришини илтимос қилади. Афросиёб Сарой донишманди Пирон маслаҳати билан Сиёвушнинг хоҳишини қабул қилади. Уни илиқ пешвоз олиб, ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида қизи Фарангизни унга никоҳлаб беради. Сиёвуш Туронда жаннатмонанд қалъа қурдиради. Афросиёбнинг укаси Гарсеваз унга хасад билан қарай бошлайди, қалбида унга нисбатан адоват уйғонади: “Бу эронийнинг шуҳрати ошиб борса, сенинг тахтингни тортиб олади” деган ҳаёл кечади. Натижада, Сиёвушни хибсга олиб, бошини танидан жудо қиладилар. Пирон кўмаги билан беш ойлик хомиладор Фарангизга зарар етказмайди. У Фарангизни ўз қасрига элтиб, эъзозлаб

қарайди. Натижада, ундан энг номдор подшо ва комил инсон Кайхусрав туғилади”⁶¹.

Рустам ва Сухроб образи

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида Рустам баҳодир, мард ва жасур образ тарзида намоён бўлади. “Шоҳнома”да тасвирланишича, Рустам етти ёшлигидан барча ҳунару билимларни эгаллайди, ўн тўрт ёшида жаҳонпахлавон даражасига етади⁶². Кунлардан бир кун Рустам Турон чегараларига овга боради. Бир қанча қулонларни ер тишлатади. Ўт ёқиб, улардан бирини пиширади. Уни еб тўйгандан кейин уйқуга кетади. Шу ердан ўтиб кетаётган отлиқлар яйловда ўтлаб юрган Рустамнинг оти –Рахшни ушлаб Самангонга боради. Уйкудан турган Рустам отини тополмай, уни қидириб Самангонга боради. Самангон шоҳи ва улуғлари Эроннинг буюк жаҳонпахлавони келганини эшитиб унга пешвоз чиқадилар. Шоҳ ундан бир кеча меҳмон бўлишни илтимос қилади. Самангон шоҳининг қизи Тахмина ярим тунда Рустамнинг хобгоҳига боради ва унга ишқ изҳор этади. Натижада икковлари қўшилишади. Тўққиз ойдан сўнг Тахмина ўғил кўради. Келбатда бобоси Сомга ўхшаган болада Сухроб деб исм қўядилар. Сухроб ўн тўрт ёшга кирганида онасидан ўз аждодини билиб олади. У Эрон шоҳини ўлдириб, тахтни Рустамга олиб беришга ва ундан сўнг Турон шоҳини орадан кўтаришга қарор қилади. Ўзи Туронга шоҳ бўлишни кўзлайди. Ана шу ниятларини амалга ошириш учун Сухроб Эронга қарши лашкар тортади. Ўз шум режалари пайдан бўлган Афросиёб ҳам ўн икки минг лашкар йиғиб, Хуммон ва Бармонлар бошчилигида Сухроб ёрдамига жўнатади. Уларга ота-бола бир-бирларини танишларига йўл қўймасликни топширади, ота ўғил қўлида ўлдирилиши унинг бош мақсадларидан эди. Шундан сўнг кечаси яширин ҳолда Сухробни ўлдиришни ҳам буюради. Шундай қилиб, Ковус ҳамда Эронни осонликча қўлга киритишни мўлжаллайди.

⁶¹ Абулқосим Фирдавсий. “Шоҳнома” (Сайланма) Тошкент, 2012. Б.:149-150

⁶² Абулқосим Фирдавсий. “Шоҳнома” (Сайланма) Тошкент, 2012. Б.:92-96

Суҳроб Эрон чегарасидаги қалъага етиб келади. Унга қарши чиққан Ҳажир ва Гурдофарид билан олишиб, уларни мағлуб этади. Бундан хабар топган Ковус Рустамга нома юборади. Шоҳ мамлакат аъёнлари билан маслаҳатдан сўнг Рустамдан бошқа ҳеч ким бу ёш баҳодирга бас кела олмаслигига тушуниб этади. Рустам истар-истамас кечикиб етиб келади. Натижада ота ва ўғил жанг майдонида рўбарў бўладилар. Суҳроб Рустамнинг ким эканлигини билишга интилади. Аммо бунинг иложи бўлмайди. Биринчи курашда Суҳроб Рустамни даст кўтариб ерга ётқизади ва ханжар билан бошини танидан жудо қилмоқчи бўлади. Шунда Рустам: “Бизнинг одатда баҳодир йигит ҳамроҳини биринчи йиқитганда ўлдирмайдилар” – деб алдаб қутулиб кетади. Иккинчи курашда эса Рустам Суҳробни йиқитади ва шошилиш суратда бағрига ханжар санчади⁶³....

Рустам номи жуда кўп асарларда тилга олинган. “Садди Искандарий”да Ажам шоҳлари сулолалари маёнида “Қайқубод даврида Рустам йигитча” эди деса, “Тарихи мулки Ажам” асарида “Исфандиёр” достони ҳақида сўз юритиб, “Рустам улғайиб эрди, анга ҳариф эрмас эди” дейди.⁶⁴ Шунингдек Рустам образи машҳур шоир Турдининг сатирик асарларида тилга олинади, бундан ташқари машҳур достоннавис Нодир – Узлатнинг “Ҳафт гулшан” достонидаги айрим қаҳрамонлар ҳамда шоир Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом достонидаги Баҳром кўп жиҳатлари билан Рустамга қиёсланади. Достонда “Рустамона кор қилди”, “Рустамона чиқди” ибораларини кўп қўллаган Рустамнинг Афросиёб билан, Суҳроб ва Барзу билан кураш лавҳаларини эслатиб, жанг тасвирида ёрқин картиналар яратишга муваффақ бўлган⁶⁵:

Иккиси бир-бири хез этди ул дам,

Магар Афросиёб ила чу Рустам...

У ҳам шоҳнинг белидан тутди маҳкам,

⁶³ Абулқосим Фирдавсий. “Шоҳнома” (Сайланма) Тошкент, 2012. Б.:123-124

⁶⁴ Ҳамиджон Ҳомидий. “Фирдавсий ва Ўзбек адабиёти”. Тошкент, 2012. Б.:36

⁶⁵ Ҳамиджон Ҳомидий. “Фирдавсий ва Ўзбек адабиёти”. Тошкент, 2012. Б.:38-39

Сиёвуш Касроий ҳам кўхна афсоналардан фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам афсоналар яратишга қўл уради. У Аҳмад Шомлу, Шафийи каби шоирлар қаторида тарихий образлардан афсоналар яратишга бел боғлайди.⁶⁷ Дарвоқе улар фақат кўхна афсоналарга тақлид қилибгина қолмай, балки уларнинг баъзиларидан илҳом олган ҳолда янги афсоналарни дунёга келтирганлар.⁶⁸ Бу афсоналарнинг энг гўзал намунасини Сиёвуш Касроийнинг “Жаҳон паҳлавон” шеърини ўқиб гувоҳи бўлишимиз мумкин. Қуйида “Жаҳон паҳлавон” шеъридан парча келтирамиз:

شکوفه جوان سرفراز آمدی	هلال رستم از راه باز آمدی
زمهر تو این شهر آذین گرفت	طلوع تورا خلق آیین گرفت
دل گرم بر سنگ بخشیده ای	که خورشید در شب درخشیده ای
شبان سینه را سپیدی نبود	نبودی تو و هیچ امیدی نبود
نه از چشمه آفتابی سراغ	نه سوسوی اختر نه چشم چراغ
به گل سایه شمع پیچان همه	فرو برده سر در گریبان همه
همه فسه درد می ساختند	به یاد تو بس عشق می باختند
نماند آتشی دود بر خامه رفت	"که رستم به افسون ز شهنامه رفت
بسی بیژن مهر در چاه ماند"	"سمند بسی گرد از راه ماند"
ولیکن تمنای نخورد آب از آب"	"سیاوش ها کشت افراسیاب"
مگر یاد خون سیاوش نیست"	"دریغا ز رستم که در جوش نیست"

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, Касроийнинг мазкур шеърида подшони Рустамга қиёс қилинади, халқ унинг ташрифидан хурсанд бўлиб, шаҳарни гулларга буркайдилар. Аммо воқеалар ривожига подшо асл қаҳрамон образи билан ўрин алмашади ва Рустам афсонавий қаҳрамон

⁶⁶ “Bahrom va Gulandom” Sayqaliy. T.: 1960. B -26-49

⁶⁷ پژوهش در اساطیر ایران، تهران، انتشارات آگاه، 1381

⁶⁸ اسماعل پور، 1382، ص 34

⁶⁹ سیاوش کسرایی، 1383: ص 162-163

ҳамда Эрон ва Эронликларнинг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Зеро Сиёвуш Касроий шеърида тасвирланган Рустам образи ўз ишини қўлдан бой беради. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Рустам Бижанни зиндондан кутқариб қолади. Аммо Касроийнинг шеърида Рустам Бижанга ёрдам беришни уддалай олмайди ва Бижан абадий зиндонда қолади. Шунингдек “Шоҳнома”да Сиёвуш Афросиёб қўлида ўлдирилганда, Рустам Туронни ер билан яксон қилади. Аммо мазкур шеърда Сиёвушнинг ўлдирилиши билан, “сув-сувдан” ҳаракатга келмайди. Дарҳақиқат Касроий Рустам образини бир қанча ўзгаришлар билан тасвирлайди, зеро янги ҷамият ўзига хос афсоналарга эҳтиёж сезарди. Эроннинг қадимги афсонавий қаҳрамони бўлган Рустам энди бу даврга келиб бировга фойда келтира олмайди. Шоир шунга асосланиб ва Рустам афсонасидан илҳомланиб, янги бир афсона яратишга қўл уради.

Сиёвуш Касроийнинг “Мўҳр-е сўрх” достонида Сухроб образи келтирилган. Шоирнинг мазкур достони сўнгги ижод намунаси ҳисобланади. Касроий сухроб образини Фирдавсий “Шоҳномаси”нинг охири пардасидан бошлайди. Достондаги воқеалар қари қаргадан бошланади.⁷⁰

Ораш образи

Ораш камончи Эроннинг қадимги афсонавий қаҳрамонларидан бирининг номи. Ораш Табаристонлик бўлиб, Манучехрнинг сипоҳийларидан эди. У Эрон ва Турон урушидан сўнг Эронлик камончи сифатида намоён бўлди, Эрон ва Турон чегараси белгиланди.

Ораш камонгир достонининг шарҳи “Шоҳнома”да келтирилмаган. Аммо у ерда унинг номи келтирилиб, достонида маълум бир ишоралар келтириб ўтилган.

Паҳлавий давридаги, шунингдек ислом давридаги тарихий китобларда Орашга ишора қилинади. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Китоб ул-боқий”

ماه نامه فرهنگ سیاسی، اجتماعی و ادبی شماره 64، اردیبهشت 1387. بهروز حسن زاده: "نقد و تحلیل منظومه مهره سرخ"

асарида “Тиргон байрами”⁷¹га тасниф бериш чоғида Ораш достонини айтиб ўтади ва бу байрамнинг келиб чиқишини Ораш эпоси билан боғлайди.

Авестода Орашни “Орахш” тарзида учратишимиз мумкин. Авестода айтиб ўтилган энг яхши камончи “Орахш” биз сўз юритаётган Орашга қиёсланади.

Ораш образи Деххудо асарида ҳам келтириб ўтилган. Унда Ораш Манучехр лашкарлари орасидаги паҳлавон камончининг исми. Манучехр ўз ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Турон ҳукмдори Афросиёб билан жанг қилади. Дастлаб Афросиёб ғалаба қозонади ва Манучехр Мозандаронга қочади.

Сиёвуш Касроий ҳам Ораш образидан фойдаланган ҳолда “Ораш-е камонгир” (“Ораш камончи”) эпик достонини ёзади. Унинг Ораш афсонавий образини қайта яратишига қуйидаги икки омилни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин⁷²:

1. Айтиб ўтилганидек, Касроий Аҳавон Солис каби шоирлардан фарқли ўлароқ Эроннинг келажагидан умидвор шоирлардан ҳисобланади. Ноумидлик ва тушкунлик барча Эронликлар қалбини эгаллаб олган бўлиб, жуда кам сонли аҳоли Эроннинг келажагидан умид қиларди ва ишонарди. Ораш Эрон жамиятида умидсизлик ва тушкунлик ҳукмронлик қилган қадимги замонларда пайдо бўлди. Эроннинг барча қаҳрамонлари Афросиёб билан бўлган жангда чорасиз аҳволда унинг армияси сафларида хизмат қилади. Ораш камонни ўқлаган ҳолда намоён бўлади. У Эронликлар орасида умидворлик, ҳаяжон ва қалбларида туғён уйғотади. Касроий ҳам Ораш Камонгирнинг умибахшлик ва рухий унсурларини инобатга олган ҳолда Эронликлар орасида бу афсонани ўз ишининг асоси сифатида киритади ва Ораш камонгир достонини шу асосда ёзади. Доктор Хонларий бу ҳақда шундай ёзади: “Ноумидлик ва ўлимни мадҳ этган аксарият шоир ва

⁷¹ O'rta Eron asrida o'tkazilga bayram nomi. (Eron shamsiy yilining 4-oyiga to'g'ri keladi. Bizda 21-22-iyun – 21-22 iyul)

⁷² ادبيات پژوهش، شماره 9، پاییز 1388، مقاله حسین حسن پور آلاشتی، مراد اسماعیلی. "تحلیل اسطوره ها در اشعار سیاوش کسرای". ص 93

ёзувчилардан фарқли ўлароқ, бу шеърда ҳаётдаги умидворлик, қалб туғёни, муҳаббат, елиб – югуриш ҳукмронлик қилади”.

2. Шубҳасиз, Касроий бу афсонани қайта яратишдан асосий мақсадларидан бири жамият ҳаётини, унинг устидан ҳукмронлик қилаётган умидсизликни танқид қилади ва ҳатто ўзини зиёлилар ва шоирларга тенглаштиради. Шоирнинг бу афсонани қайта яратишдан яна бир мақсади бўлган, аммо у диққат марказидан биров четда қолган.

Кўп танқидчилар бу шеърни миллатга умид бағишлайдиган ва руҳий қувват берадиган шеър деб баҳолайдилар. Зеро, мамлакатдаги миллий ҳаракатлардан сўнг одамлар умидсизликка ва тушкунликка тушиб қолган эдилар. Аммо Ораш камончи умидбахш этувчи ва руҳий қувват бағишловчи ҳислатларга эга бўлган.

Касроий замонасида рўй бераётган вазиятларга эътибор қаратган ҳолда мазкур афсонани қайта яратишга кўл уради. Эрон жамиятида юз бераётган ижтимоий-сиёсий вазият шоирни ўтган кунларга чорлайди ва шоирни мазкур мазмундаги шеърни ёзишга ундайди. Зеро, Эрон жамияти бир вақтлар ўзгалар устидан ҳукмронлик қилган. Касроий шу вазиятларни ҳисобга олган ҳолда куйлайди:

فصل ها فصل زمستان شد
صحنه گلگشت ها گم شد نشستن در شبستان شد
در شبستان های خاموشی
می تراوید از گل اندیشه ها عطر فراموشی
سنگر آزادگان خاموش
خیمه گاه دشمنان پر جوش
مرزهای ملک
همچو سرحدات دامنگستر اندیشه بی سامان
برجهای شهر
همچو باروهای دل بشکسته و ویران
دشمنان بگذشته از سر حد و از بارو

Мазмуни:

*Фасллар қишига айланди,
Сайр майдонлари зойиб бўлди,
Индамас тун оқшомларида
Гулдан таралар фикрлар атри.
Қўрқинчли эди ва ўлимнинг боли.
Зодагонлар истеҳкоми сокин,
Душман қароргоҳи эса гуркираган.*

Шундан кўринадики, Сиёвуш Касроий Ораш камонгир достонини куйлаш билан Орашнинг орзуси ўз юртидаги аҳолининг тиргаги ва таянч манбаи бўла олиш ҳамда умидсизлик ва тушкунликка гирифтор бўлган, унга умид ва илинж кўзи билан боқаётган одамларни озод этиш ва мавжуд вазиятни танқид остига олиш, шу йўл билан мамлакат устидан ташқи кучларнинг ҳукмромлиги ва уларнинг таъсир кучини тугатиш эканлигини кўрсатиб беради. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу шеърда тасвирланган Ораш образи қадимда тилга олинган Ораш тимсоли каби юртига ва ватандошларига нажот бахш этиш учун ўз жонини фидо қилади. Ижодкор Орашнинг тилидан шундай дейди:

در این میدان
در این پیکر هستی سوز بی آسمان
پری از بایاد تا فرو ننشیند از پرواز

Мазмуни:

*Бу жанг майдонида,
Бу жангда ҳаёт қурол-яроғсиз ўт ичида,
Қулаб тушмаслигинг учун жонинг билан учишинг керак*

Ва яна шундай дейди:

شامگاهان

راه جویانی که می جستند آرش را به روی قله ها پی گیر

باز گردیدند

بی نشان از پیکر آرش

با کمان و ترکشی بی تیر

آری آری جان خود در تیر کرد آرش

کار صد ها صد هزاران تیغه شمشیر کرد آرش

Мазмуни:

Кечки томон,

Орашени изладилар қалғалардан, кетма-кет,

Қидирдилар,

Орашдан ҳеч дарак йўқ,

Ҳа,ҳа, Ораш ўзига камондан ўқ узди.

Юзлаб, юзминглаб иши шамиш учини ўзига тиқди.

Шундай қилиб, афсоналар қадимги дунёга таълуқли бўлиб, К.Маркс тили билан айтганда “инсоният жамиятининг болалик даври ҳақидаги гўзал бадий лавҳалардир”. Афсоналар турли даврларда турлича кўринишда тасвирланган. Улар ҳар замонда ўзининг шаклига, ўрнига ва тадбиқ этиш хусусиятига эга бўлган. Афсоналар одатда тарих билан боғланган бўлади. Юксак қалам соҳиблари ҳам тарихга таянган ҳолда афсоналар яратиб келган. Сиёвуш Касроий ҳам ўз истеъдодини ишга солган ҳолда афсоналар яратишга қўл урди. У Фирдавсийнинг “Шохнома”сида ва “Авесто” каби муқаддас китобларда келтирилган мард ва баҳодир шахслардан фойдаланиб, янги бир афсона яратди. Сиёвуш Касроий ўзининг “Ораш-е Камонгир”, “Жаҳон Паҳлавон”, “Андух-е Семурғ” ва “Мўҳр-е дўрх” эпик дostonларида турли афсонавий ва тарихий образлардан фойдаланганини гувоҳи бўлдик. Кўплаб замонавий ёзувчи ва шоирлардан фарқли ўлароқ Касроий ўзининг сиёсий ва идеологик қарашларини ўз поэзиясида ифода этади ва баъзи афсонавий қаҳрамонлардан асрга боғлаган ҳолда фойдаланади, баъзи ҳолларда унга

бироз ўзгартиришлар киритади. У Сиёвуш тимсолида ҳалол, пок, доно ва ақлли, Рустам ва Сухроб қиёфасида мард, баҳодир ва жасур шахсларни гавдалантиради. Бу қаҳрамонлар асрлар давомида ватанпарвар ва юксак қалб соҳиблари сифатида намоён бўлиб келганлар. Аммо бу қаҳрамонларни ижодкор шеърларида бир қанча ўзгаришлар билан кўришимиз мумкин.

2..2. Шоир поэзиясида “қуш” образи

Шоирларнинг севимли образларидан бири – бу қуш образидир. Қуш образи дастлаб шеъриятда булбул, хўроз кўринишида намоён бўлган. Эрон замонавий шеъриятида ҳам мазкур образдан самарали фойдаланилган. 60-йилларга келиб шоирлар ижодида яна бир қанча қуш образлари қўшилди. Масалан, Соя, Касроий ва Жоле ижодида қалдирғоч, каклик ва бургут образи, Муҳаммад Зоҳерий шеърларида баклан (қора қуш), канарейка, тўрғай қуши, Нодерпур шеърларида эса худ-худ қушидан муайян символик образ сифатида фойдаланишган.⁷³

Фирдавсий шарқ дostonчилигида биринчи бўлиб афсонавий қуш Семурғ образини яратди. Ғайритабиий куч ва қудратга эга бўлган бу парранда Золнинг чақалоқлиги даври тасвиридан то Исфандиёр дostonигача бўлган воқеаларда иштирок этади. Семурғ ҳамиша Золи Зар ва унинг авлодларига энг оғир дамларда кўмаклашади. Масалан, “Шоҳнома”нинг “Рустами дostonнинг онадан туғилиши” бўлимида Рудоба туғруқ дардидан қийналиб, ҳушидан кетади. Ҳамма саросимада тушган вақтда Семурғнинг патини ёдга олишади. Зол дарров олов ёқиб, Семурғнинг патина оловга ташлайди. Бир зумда Семурғ самода пайдо бўлади. У Золга қарата Шундай дейди:

*Топиб келтиринглар олмосдек пичоқ,
Билимдон кимсани топингиз шу чоқ.
Санамни май билан аввал маст қилинг,
Дилидаги алам шастин паст қилинг...*⁷⁴.

Семурғ ўз ёрдами билан Рудобани осонлик билан дарддан халос этади ва болага Рустам дея исм қўядилар.

⁷³ В.Б.Кляшторина Новая поэзия в Иране М.1975. Б-152

⁷⁴ Abulqosim Firdavsiy “Shohnoma” (Saylanma) T-2012. B – 92-95

Семурғ одамдай гапиради, жанг-у жадалларда Золи зар ва Рустамга ёрдам беради, гоҳ донишманд табиб қиёфасида ҳаёт мушкулотларини ҳал этишда инсонпарвар кишиларга йўл кўрсатади. Фирдавсий тасвирича, Семурғ фалакда парвоз қилса, оламни зулмат қоплайди, замин-у замон ларзага келади. У кимсасиз сахро ўртасидаги тоғ чўққисига уя курган:

*Бир тоғ бўларди, Элбурз деган тоғ
Қуёшга яқин-у, ердан кўп узоқ.
У ерда Семурғ уяси ҳам бор,
Унда бирон киши топилмас зинҳор*⁷⁵.

“Шоҳнома”да Семурғ осмонда учиб юриши ёки Золнинг даъвати билан ногаҳон пайдо бўлиши қуйидагича тасвирланган:

*Қоронғулик бўлди зум ўтмай ҳаво,
Семурғ учиб келди у фармонраво.
У қора булутдай ёзди қанотин,
Зулматга чулғаб ой, қуёш ҳаётин*⁷⁶.

Семурғ образидан атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон ҳам ўзининг “Семурғ” достонини ёзишда фойдаланган. Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги Семурғ билан Ҳамид Олимжон достонидаги Семурғ образида муштараклик мавжуд. Ҳар иккала асарда ҳам Семурғ инсонга дўст, инсоннинг энг оғир кунларида у билан бирга бўлади. Фирдавсийда Семурғ болаларининг хоҳиши билан Золни боқади, парвариш қилади, тил ўргатади, билим беради. Одам жаҳолатга йўл қўяди, қуш эса адолат йўсинини тутди. У Рустамга аждар, девларни, ҳатто Исфандиёрни енгишга ҳам яқиндан мададкор бўлади. Ҳамид Олимжон достонда чин севгидан йироқ, жаҳолатга гирифтор бўлган хон қизи

⁷⁵ Hamidjon Homidiy “Firdavsiy va o'zbek adabiyoti” T-2012. B-153

⁷⁶ O'sha asar, B-153

Паризод шартни бажарган Бунёдни қабул қилмай унинг ҳалок бўлишини истаб, дев жангига юборади. Инсон разолатга йўл қўяди, Семурғ эса Бунёдни жасорат сари йўллайди. Бунёдни дев масканига элтган Семурғ жасур йигитнинг ғалабасига тарафдорлик қилади. Семурғнинг қаҳрамон йигит билан муомаласи ҳамда Бунёднинг дев билан яккама-якка олишуви ва ғалабаси тасвирида “Шоҳнома” га ҳамоҳанглик бор.

60-йилларда Эронда ижод қилган шоирлар ҳам ўз асарларида қуш образини қўшган ҳолда маълум рамзий тасвирларни талқин қилишган⁷⁷. Жумладан, Соя, Касроий ва Жоле ижодида қалдирғоч, каклик, бургут, Муҳаммад Зоҳерийда қора қуш, канарейка, тўрғай, Нодерпур шеърларида эса худхуд каби қуш образларини кўришимиз мумкин.

Семурғ - Сиёвуш Касроий асарларидан ўрин олган қуш образларидан бири. Сиёвуш Касроийнинг “Сиёвуш қони” мажмуасидан ўрин олган “Семурғ қайғуси” номли шеърида Семурғ афсонавий қушини кўрамыз. Қадимий асарлар ва афсоналарга кўра Семурғ бир қуш бўлиб, қариндошларига ёрдам беришга боради ва ўзининг бир қанотидан юлиб уларга беради. Семурғ уларнинг ёрдамчиси бўлиши учун фақатгина унинг патини олиб оловда куйдириш етарли бўлади. Рустам ва Исфандиёр достонида, Зол замонида Семурғнинг пати ўтда куйдирилади. Бу қуш Рустамнинг ярасига дармон қилишга тайёр эди. Аммо бу қуш Сиёвуш Касроийнинг шеърида биз дастлаб учратган Семурғ образидан фарқ қилади. Унда у ўзининг улуғворлигини йўқотиб, қанотидан ажралган қуш сифатида намоён бўлади. Гарчи дастлаб қанотига эга бўлиб, паҳлавонлар ва баҳодирлар қошига шошилсада, Аммо энди у ўзининг нажотбахш қудратини йўқотган, қанотсиз, худди “қари чинор” “истиробли ва ғамгин” бўлиб қолган эди. Қуйида Сиёвуш Касроийнинг “Сиёвуш қони” достонидан парча келтириб ўтамыз:

⁷⁷ В.Б.Кляшторина Новая поэзия в Иране М.1975. Б-152

نهاده آشيانه بر سر كوه
 منم سيمورغ پنهان از نظرها
 دل بيتاب من در چنگ تشويش
 نگاه خسته ام بر رهگذرها
 به زير شاهبال سايه گستر
 چه رستم ها كه آوردم به ميدان
 چه بي سامان به هر كوهي پرېدم
 كه اميد بزرگم يافت پايان
 پي آبادي ويرتنه عشق
 روان كردم به هر رزمي دليري⁷⁸

Мазмуни:

*Тутиб ўзга тоғ устин макон,
 Ўшал Семургман кўзлардан тинҳон.
 Менинг хаста дилим таиивиш домиди,
 Кўзларим тикарман йўловчига гирён.
 Ушбу майин пар соясида,
 Неча Рустам кўрибдир бу майдон.
 Умидларим сўнганида,
 Беватан мисоли ҳар тоғга учдим.
 Вайрона ииқ ободлиги йўлида
 Ҳарбий жасоратни ўргатдим*

Касроийнинг мазкур шеърида қадимги асарларда нажотбахш бўлган, аммо ҳозирда ўз қобилиятини қўлдан бой берган, оддий халқдек фикр юритадиган, қанотлари ва парлари тўкилган, энди ҳеч бир ишга кучи қолмаган ғамгин ва ҳижолат тортган қушга айланган Семурғ образини кўрамыз⁷⁹. Шу ўринда бир савол туғилади. Нега Сиёвуш Касроий ҳаётдаги умид ва елиб-югуришни ифода этган “Ораш-е камонгир” достонини ёзиб туриб, унинг кетидан маъюс ва ғамгин шеърларни ўз ичига олган “Хун-е Сиёвуш” достонини ёзди. Мазкур тўпламдан ўрин олган “Андух-е Семурғ”

⁷⁸ ادبيات پژوهش، شماره 9، پاییز 1388، مقاله حسين حسن پور آلاشتی، مراد اسماعیلی. "تحليل اسطوره ها در اشعار سیاوش کسرایي". ص 96

⁷⁹ اخوان ثالث، مهدی (1371) "سطرهای آخرین، کیان، سال دوم، شماره 8، صص 57-69

(“Семурғнинг ғами”) шеърида бу нажотбахш қушни шундай тасвирлайдики, энди у ҳаракат қилиш кучига эга эмас, ҳатто ёрдамини ҳам беролмайди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Нега Сиёвуш Касроий ҳаётнинг умид ва елиб-югуришини ифода этган “Ораш-е камонгир” достонини ёзиб туриб, орадан ҳеч қанча ўтмай маънос ва ғамгин шеърларни ўз ичига олган “Хун-е Сиёвуш достонини ёзди? “Андуҳ-е Семурғ” номли шеърида бу нажотбахш қушни энди қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган, ҳатто оз қудратини ёқотган кўринишда тасвирлайди? Бу саволга Сиёвуш Касроийнинг шеърларига мирожаат қилган ҳолда қуйидаги икки бандга эътибор қаратамиз⁸⁰:

1. Сиёвуш Касроий метафизик элементларни камайтириш ва заифлаштиришни хоҳларди. Инсонни саҳнада (асарда) намоён қилишни истарди. Негаки, бу асарда инсон ўз тақдирига масъулдир, у ўз келажаги ва тақдирини белгилайди. Бу назария европада ренессанс даври бошланиши билан инсонлар онгида шаклланган. Галило ва Декарт каби буюк шахслар яратилган қонунларда инсоннинг кучи ва роли табиат устидан ҳокимлигини айтиб ўтганлар. Албатта бу фикрлар ғарбда шаклланган. Эронда эса бу тарздаги фикрларни кўриб бўлмас эди. Аммо Эрон халқининг ғарб маданияти билан таснишиши, қолаверса Машрута инқилоби уларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириб юборди. Ғарбликларга хос фикрлар баъзи Эрон зиёлиларини жиддий ўзгаришлар томон чорлади. Инсон тақдири ва унинг диққат марказида эканлиги замонавий шоирлар шеърларида жуда кўп кўрина бошлади. Хусусан, форс замонавий шеъриятининг отаси Нимонинг фикрича “Бир лаҳзада инсон ижтимоий ҳолатини ўзгартириш унинг қўлида ва иродасидадир – инсон тарихнинг ҳақиқий афсонасидир ва ҳамма нарса ундан яралган”.⁸¹

2. Шоир икки йўл ўртасида қолади. Бир тарафдан Эронликларнинг кўпчилиги миллий ҳаракатининг мағлубиятидан хафсаласи пир бўлган

⁸⁰ ادبیات پژوهش، شماره 9، پاییز 1388، مقاله حسین حسن پور آلاشتی، مراد اسماعیلی. "تحلیل اسطوره ها در اشعار سیاوش کسرای". ص 97

⁸¹ ادبیات پژوهش، شماره 9، پاییز 1388، مقاله حسین حسن پور آلاشتی، مراد اسماعیلی. "تحلیل اسطوره ها در اشعار سیاوش کسرای". ص 98

бўлса, иккинчи томондан ўз умидлари ва истакларини қўлдан бой беришни истамас эди. Шунини ҳам айтиш керакки, у ҳаёт ва ўлим оралиғида қолиб, на бутунлай умидвор эди ва на бутунлай умидсиз. Шундан кўринадикки мазкур мажмуада умид ва ғам, ватан тақдири ва озодлиги туради.

Шундай қилиб, Сиёвуш Касроий қуш образини яратишда семурғ образидан фойдаланади. Касроий ижодида симурғ образи Фирдавсийнинг “Шохнома”сидаги симурғ қушидан бироз фарқ қилади. “Шохнома”да семурғ қуши ўзининг улуғворлиги, паҳлавонлар ва баҳодирлар қошига шошилиши, гоҳида донишманд табиб қиёфасида ҳаёт мушкулотларини ҳал этишда инсонпарвар кишиларга йўл кўрсатиши билан барчага бирдек ёрдам қўлини чўзадиган қуш сифатида тасвирланади. Касроийнинг шеърида эса бироз фарқли томонларни учратамиз. Унда у ўзининг улуғворлигини йўқотиб, қанотидан ажралган, ўзининг нажотбахш қудратини йўқотган, қанотсиз, ҳудди “қари чинор” “истиробли ва ғамгин” қуш сифатида намоён бўлади.

2. 3. Шоир поэзиясида “тоғ” образи

Шарқ адабиётида, хусусан Эрон насри ва назмида “тоғ” образи куч-қудрат рамзи сифатида тараннум этиб келинган. Масалан, Эронда мамлакатнинг шимолига жойлашган Элбурснинг энг чўққисида ҳозирда ўчган вулқоннинг номи Демованд бўлиб, бу тоғ Эрондаги энг баланд тоғ, нуқта ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қадим замондан бошлаб, эронликлар бу тоғни куч-қудрат рамзи сифатида эъзозлаб келадилар, кўпгина шоир ва ёзувчилар ўз асарларида бу Демованд тоғи образини кўкларга кўтариб, ёки унга баъзи воқеа ва ҳодисаларни ўхшатиб, ёхуд ундан илҳом олиб куйлаб келганлар. Эрон ёзувчиларининг кўпгина асарларида баъзи эпизодлар мана шу тоғ ёки унинг атрофида юз берган. Эрон шоирлари ўз шеърларида баъзан куч ва қудратни мана шу тоғга таққослашган. Масалан, Фирдавсий ўз “Шохнома”сида бу тоғ ҳақида сўз юритган, Эроннинг машҳур Малик ушшуароси ҳам ўзининг Мирзода Ишқий ўлими муносабати билан ёзилган марсиясини “Демовандия” деб атаган.

Сиёвуш Касроий ўзининг “Бо Дамованде хомуш” (“Сукутдаги Дамованд билан”) шеърида “тоғ” образига янги талқин бериб, уни ватан рамзи сифатида намоён этган. Шоир ўз шеърида Дамованд тоғни лоқайдлик ва қўрқувни енга оладиган халқ кучи ва яқинлашиб келаётган янгиладанш бўрони сифатида улуғлайди:

دلَم گرفته همچو ابرهای باردار تو
که با تو گفتگو مراست
به تنگ در نشستم به چند ؟
شب برهنه بی ستاره ماند
نگاه و دست ما تهی ...
بگو بگو که گاه گفتن تو در رسید
تو با زبان شعله ریز واژه های سنگی ات بگو
که سخت تر شبی است

که سردتر شبی است از شبان دیر پای ما
یگو دهان ز گفت و گو مبند

Мазмуни:

Юрагим гамгин, ҳудди ёмгири тўла булутлар каби...
Бургут уяси қайда? – Айт
Қачондан бери ўтирибман?
Юлдузларсиз қолди ёлғиз осмон,
Нигоҳ ташла, қўлингни қўй...
Айт, айт:қ айтар вақтинг келди.
Сўзларингдан учқун чақнатиб айт.
Тунлар оғир бўлиб бормоқда.
Ҳаммаси совуқ ва муздек
Баланд овоз билан гапир.

Ушбу парчадан кўриб турибмизки, Сиёвуш Касроий ўз дардларини, ички кечинмаларини тоғ билан сирлашмоқда, ундан нажот кутиб ёрдам сўрамоқда. Қийинчиликларни енгиш, муаммолардан чиқиш учун, мамлакатда ижтимоий тенглик, фаровонлик, барқарорлик бўлиши учун унинг сўзларини кутмоқда. Чунки бу тоғ жуда қудратли, у жуда кўп воқеаларни кўрган, унинг сўзлари ўткир ва ақилли.

از کوه بر آمديم و با رود شديم
درگير به آنچه جان بفرسود شديم
ما چشم جوشنده پاک بوديم
در راه دريغا که گل آليد شديم

Мазмуни:

Тоғдан кўтарилдик ва денгиз билан бўлдик,
Жонни қанча боғладик, барвақт кексайдик.
Биз гўё қайнаб турган пок булоқ эдик,

Афсуски, узоқ йўл юриб, лойқаландик.

(“Хун-е Сиёвуш” шеърий тўпламида)

Бу мисраларда инсон ҳаёт йўли, паст-у баланди, ҳаётда истироб, фақирлик ва ўлимнинг муқаррарлиги, ҳаёт шодликлари ва аламлари орқали инсон ва табиат ўртасидаги азалий яхлитлик тараннум этилади.

Шундай қилиб, куч-қудрат рамзи бўлган “тоғ” образи Сиёвуш Касройи ижодида ҳам кузатилди. Шоир мазкур образдан самарали фойдаланди. У Дамованд тоғи мисолида мазкур образни яратади. У ўз шеърида Дамованд тоғини лоқайдлик ва кўрқувни енга оладиган халқ кучи ва яқинлашиб келаётган янгиланиш бўрони сифатида улуғлайди. У гўёки ўз дардларини, ички кечинмаларини тоғ билан сирлашади, ундан нажот кутиб ёрдам сўрайди. Ҳаёт синовларини енгиб ўтишда, ватанида фаровонлик, тенглик ва барқарорлик бўлишида унга юзланади.

Дамованд тоғи Эрон шоир ва ёзувчилари томонидан кўкларга кўтарилади. Чунки эронликлар қадим замонлардан бу тоғни куч-қудрат рамзи сифатида эъзозлаб келадилар

ХУЛОСА-

Замонавий Эрон шоири Сиёвуш Касроий шеъриятида афсонавий образ ва уларнинг замонавий талқини мавзусини таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Эронда XX асрнинг 40-йиллардаги шеъриятида иккита: анъанавий ва янги типдаги йўналиш мавжуд эди. XX асрнинг бошлариданоқ ибораларнинг аниқлиги ва образларнинг соддалиги билан ажралиб турган хуросон услубининг янгиланган шакли ривожланди. Адабиётшунослар бу услубни асл форсий услуб деб ҳисоблаганлар. Чунки унинг пайдо бўлиши мўғуллар истилосигача бўлган давр (XII аср)га бориб тақалади. Лекин қанчалик машҳур бўлмасин бу услуб Эрон шеърятининг истиқболдаги асосий йўналишларини белгилаб бера олмади. Бу вазифани 40-50 йиллардан бошлаб “шеър-е ноу” адабий йўналиши ўз зиммасига олди. 60-70 йилларга келиб “шеър-е ноу” ўз ғоявий йўналишлари ва мавзулар силсиласига эга бўла бошлади. Унинг ўз эстетик идеали шаклланди, шеърят ўзига хос стилистик тузилишга эга бўлади. Янги шеърят жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи омилга айланди. Маданий жараённинг кенг ривожланиши расмий тарғиботнинг кучайиши билан баробар борди. Янги шеърят расмийчилик, қотиб қолган ғоялар ва тизимлар, консерватизмга қарши ҳаракатга айланди. Янги шеърят жамиятдаги илғор ғояларнинг шаклланиши ва кенг тарқалишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, янги шеърятга хос бўлган модернизмга қарамай бу оқим илғор ғояларнинг тарқалиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Янги шеърят доирасида шеърӣ шакл ва шеърӣ мазмун ўзгаришлари узвий боғлиқликда амалга ошди. Йиллар давомида сайқалланиб, ўзига хос бадиий бутунликка айланди. Шеърда образлилик, ритм, поэтик сўз мутаносиблиги кучайди. Янги шеърятда ритмнинг шеърдаги вазифаси анъанавий шеърятга нисбатан бутунлай янги асосда қайта шакллантирилди. Ритм поэтик фикр

портлашининг шеърдаги инъикосига айланди. Ритм – шеърнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Янги шеърятда ритм ғоявий йўналиш ва шоир идрокининг муҳим ўринлари ифодасини берувчи муҳим вазифани ўз зиммасига олади. Янги шеърятда ритмий оҳангдорлик бадий образлиликни яратувчи унсурлардан бирига айланди. Янги шеърятдаги шеър ритмига оид ўзгаришлар қуйидагилар:

- ритм шеър ғоясини ифодалашга кўмак берувчи унсурга айланди;
- бадий зарб ва маромнинг шеър мазмуни билан алоқадорлиги кучайди;
- ритм бадий образнинг яратилишида иштирок эта бошлади;
- ритм текис ва нотекис ҳаракатлар орқали шеър мазмунига таъсир қила бошлади;
- ритмнинг эстетик моҳияти кучайди;
- лирик қаҳрамон кечинмалари ва ҳис-ғуйғулари ифодаси сифатида ритм муҳим ўрин тута бошлади.

2. Сиёвуш Касроий Эроннинг илғор ёзувчиларидан ҳисобланади. Унинг инқилоб даврида ёзган шеърлари инқилобий руҳни аск эттиради. Сиёвуш Касроий Нимо мактабининг давомчиларидан ва Нимо Юшижнинг ҳақиқий шогирдларидан бири саналади. Ҳижрий 1330/милодий 1951-йилларда ўз шеърлари билан Нимо услубини яна бир бор шеърят майдонига олиб кирди ва умрининг охиригача мана шу услубга содиқ қолган ҳолда ижод қилди. Сиёвуш Касроий ҳ.1330/м.1950-йилларда аста-секин ўз шеърларини матбуотда нашр қила бошлади. Сиёвуш Касроийнинг шеърлари сиёсий руҳни ўзида мужассамлаштирган. Замонанинг қийинчиликлари ва хўрликларини тотган халқнинг руҳиятини ўз шеърларида тасвирлайди. Шу сабабли гоҳида унинг шеърлари шиор кўринишини касб этади. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Сиёвуш Касроий сиёсий руҳдаги шеърлар билан чегараланибгина қолмай, инсон, аёллар, дўст, баҳор каби ижтимоий мавзуларда ҳам ижод қилган. Сиёвуш Касроий ҳ.1347/м. 1968 – йилга қадар олтига мажмуа чоп этди. Сиёвуш Касройдан ўн учта шеърый асар мерос

қолган бўлиб, улар қуйидагилар: “Ово” (“Ҳайқирик”), “Ораш-е камонгир” (“Араш – камончи”), “Хун-е Сиёвуш” (“Сиёвуш қони”), “Бо дамованд-е хомуш” (“Сукутдаги Дамованд билан”), “Санг ва Шабнам”, “Хонеги”, “Бе сўрхи-е Оташ бе таъме дуд”, “Аз қерқ то Хуросон”, “Омрико, омрико” (Америка,америка), “Чехел келид” (Қирқ калит), “Пейванд”, “Сеторегон-е сепиде дам”, “Ҳавое офтоб”, “Мўҳре сўрх”.

Сиёвуш Касроий бир қанча машҳур шоирлар билан илиқ муносабатда бўлган. Масалан, Маҳмуд Давлатободий, Нодер Нодерпур, Феридун, Фўруғ Фаруғзодлар билан дўстона муносабатда бўлган. Айниқса Ҳушанг Эбтехож (Соя) билан ака-укадек яқин бўлишган. Касроийнинг қизи уларни ҳудди ака-укадек бўлиб кетганликлари ҳақидаги маълумотни ўз интервьюсида келтириб ўтганлиги маълум бўлди.

3.Сиёвуш Касроий ўзининг шеърларини яратишда символик образлардан ҳам моҳирона фойдаланганиб, уларга ижодкорона ёндашганини гувоҳи бўламиз. Унинг поэтик услуби бошқа форс замонавий шеърляти намояндаларидан фарқли равишда ватанпарвар ва реалистик воқеалар асосида шакллана борган. Ижодкор ёзган шеърларининг кўпгина қисмида биз табиат элементларини учратишимиз мумкин. “Пилла”, “ёмғир” каби тасвирий воситалардан фойдалана туриб, ўз жамиятини янгиланиш сари етаклашдек эзгу орзусини кўрсата олган. Масалан, Касроийнинг “ёмғир” номли шеъридаги “фақир шаҳар ёмғирни кутар” мисрасида ўз жамиятининг, халқининг янгиланишни кутмоқдалигига, инсонларнинг янгича фикрлар билан олға интилишига ишора қилади.

Шунингдек, у тушкунлик, умидсизликни қоралаб, сабр-тоқатлилик сари чорлайдиган шеърлар ҳам битган. Буни биз “Баҳор соғинчи” номли шеъри мисолида кўриб чиқдик.

Сиёвуш Касроий ўз шеърларида табиат унсурларидан кенг фойдаланган. Шеърларида қўллаган бош ғоя эса озодлик ва эркинлик бўлган.

4. Афсоналар қадимги дунёга таълуқли бўлиб, К.Маркс тили билан айтганда “инсоният жамиятининг болалик даври ҳақидаги гўзал бадий

лавҳалардир”. Афсоналар турли даврларда турлича кўринишда тасвирланган. Улар ҳар замонда ўзининг шаклига, ўрнига ва тадбиқ этиш хусусиятига эга бўлган. Афсоналар одатда тарих билан боғланган бўлади. Юксак қалам соҳиблари ҳам тарихга таянган ҳолда афсоналар яратиб келган. Сиёвуш Касроий ҳам ўз истёдодини ишга солган ҳолда афсоналар яратишга қўл урди. У Фирдавсийнинг “Шохнома”си ва “Авесто” каби муқаддас китобларда келтирилган мард ва баҳодир шахслардан фойдаланиб, янги бир афсона яратди. Сиёвуш Касроий ўзининг “Ораш-е Камонгир”, “Жаҳон Паҳлавон”, “Андуҳ-е Семурғ” ва “Мўҳр-е дўрх” эпик достонларида турли афсонавий ва тарихий образлардан фойдаланганини гувоҳи бўлдик. Кўплаб замонавий ёзувчи ва шоирлардан фарқли ўлароқ Касроий ўзининг сиёсий ва идеологик қарашларини ўз поэзиясида ифода этади ва баъзи афсонавий қаҳрамонлардан асрга боғлаган ҳолда фойдаланади, баъзи ҳолларда унга бироз ўзгартиришлар киритади. У Сиёвуш тимсолида ҳалол, пок, доно ва ақли, Рустам ва Сухроб қиёфасида мард, баҳодир ва жасур шахсларни гавдалантиради. Бу қаҳрамонлар асрлар давомида ватанпарвар ва юксак қалб соҳиблари сифатида намоён бўлиб келганлар. Аммо бу қаҳрамонларни ижодкор шеърларида бир қанча ўзгаришлар билан кўришимиз мумкин.

5. Сиёвуш Касроий қуш образини яратишда семурғ образидан фойдаланади. Касроий ижодида семурғ образи Фирдавсийнинг “Шохнома”сидаги семурғ қушидан бироз фарқ қилади. “Шохнома”да симурғ қуши ўзининг улуғворлиги, паҳлавонлар ва баҳодирлар қошига шошилиши, гоҳида донишманд табиб қиёфасида ҳаёт мушкулотларини ҳал этишда инсонпарвар кишиларга йўл кўрсатиши билан барчага бирдек ёрдам қўлини чўзадиган қуш сифатида тасвирланади. Касроийнинг шеърида эса бироз фарқли томонларни учратамиз. Унда у ўзининг улуғворлигини йўқотиб, қанотидан ажралган, ўзининг нажотбахш қудратини йўқотган, қанотсиз, ҳудди “қари чинор” “истиробли ва ғамгин” қуш сифатида намоён бўлади.

6. Куч-қудрат рамзи бўлган “тоғ” образи Сиёвуш Касроий ижодида ҳам кузатилди. Шоир мазкур образдан самарали фойдаланди. У Дамованд тоғи

мисолида мазкур образни яратади. У ўз шеърида Дамованд тоғини лоқайдлик ва қўрқувни енга оладиган халқ кучи ва яқинлашиб келаётган янгилиниш бўрони сифатида улуғлайди. У гўёки ўз дардларини, ички кечинмаларини тоғ билан сирлашади, ундан нажот кутиб ёрдам сўрайди. Ҳаёт синовларини енгиб ўтишда, ватанида фаровонлик, тенглик ва барқарорлик бўлишида унга юзланади.

Дамованд тоғи Эрон шоир ва ёзувчилари томонидан кўкларга кўтарилади. Чунки эронликлар қадим замонлардан бу тоғни куч-қудрат рамзи сифатида эъзозлаб келадилар

Фойдаланилган адабиётлар р.ўйхати.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Islom Karimov. “Tinchlik va xavfsizligimiz o’z kuch qudratimizga, hamjihatligimiz va qat’iy irodamizga bog’liq” Toshkent, O’zbekiston, 2004.
2. Каримов И.А. Истиқлол йўли: Муаммо ва режалар// Асарлар. Т.1, Тошкент, Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилоқда// Асарлар. Т.7. Тошкент, Ўзбекистон, 1999
4. Karimov.Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch .-Toshkent, O’zbekiston, 2008.

7. Ўқув қўлланмалар

7.1. Ўзбекистонда чоп этилган

5. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Тошкент. “Ўқитувчи”. 1986
6. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент. “Ўқитувчи”. 1983.
7. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш курси бўйича ўқув-методик қўлланма. –Тошкент. 1979.
8. Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Тошкент. 1962.
9. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. 2010.

8. Илмий монография. Мақолалар ва бошқа асарлар

8.1. Ўзбекистонда чоп этилган

10. Муҳаммадризо Рузбеҳ. Хозирги замон Эрон адабиёти. –Тошкент. “Янги нашр”. 2012.
11. Нуриддин Шукуров. “Услублар ва жанрлар”. Тошкент, 1973
12. Ўзбек адабиёти тарихи. 1978
13. Ҳамиджон Ҳомидий. “Фирдавсий ва Ўзбек адабиёти”. Тошкент, 2012
14. Абулқосим Фирдавсий. “Шоҳнома” (Сайланма) Тошкент, 2012

15. Сайқалий. “Баҳром ва Гуландон”. Тошкент, 1960
16. Шоалиева Н. Қизил гулнинг сири. –Тошкент. “Ёзувчи”. 2002

8.2. Россияда чоп этилган

17. История персидской литературы XIX-XX веков. Москва, 1999
18. В.Б.Кляшторина “Новая поэзия в Иране” ММосква, 1975
19. Д.С.Комиссаров “Современная персидская лирика” Москва, 1961
20. Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература. Краткий очерк. – Москва. 1963
21. Гусейнов Б.М. Новое и новаторское в современной персидской поэзии//сб. «Теоретические проблемы восточных литератур. – Москва. 1969
22. Алави Б. Существенные черты современной персидской поэзии// «Труды XXV Международной конгресса востоковедов». Т. 2. –Москва. 1963.
23. Алиев Р. О новаторстве в современной персидской поэзии (ритмические основы стиха)// «Труды XXV Международной конгресса востоковедов». Т. 2. –Москва. 1963.

8.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

24. Jarshater Ehsan “Persian letters in the last fifty years”. 1960
25. Давронов С. Вазни ашъори Абулқосим Лоҳутӣ. –Душанбе.: Дониш, 1974
26. محمد حقوقى : "شعر نوع از آغاز تا امروز". تهران، جلد دوم، 1996
27. دستغيب عبدوعلى "بررسى اجمالى در باره شعر نو" پيام نوين 1960
28. حسين فهمى، " از اسطوره تا حماسه: نگاهى به آثار شاعر فقيد سياوش كسرايى". سال 1390،
29. حسين حسن پور آلاشتى، امانحانى. 1385
30. پژوهش در اساطير ايران، تهران، انتشارات آگاه، 1381
31. اخوان ثالث، مهدى(1371) سطرهائى آخريں، كيان، سال دوم، شماره 8

9. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

9.2. Россияда чоп этилган

32. Гусейнов Б.М. Традиции и новаторство в поэзии Ирана XX в. (автореферат докт. дисс.), -Баку. 1973

11. Газета ва журналлар

11.1 Ўзбекистонда чоп этилган

33. Тўйчиева Г.У. Эрон поэзиясида “янги шеър” адабий оқими тақомили масалалари.// Сино, 2007
34. Гусейнов Б.М. Литературное движение «новый стих» в Иране//журн. «Азәрбайджан». –Баку. 1969. № 1
35. ادبیات پژوهش، شماره 9، پاییز 1388، مقاله حسین حسن پور آلاشتی، مراد اسماعیلی. "تحلی
اسطوره ها در اشعار سیاوش کسرایی"
36. ایران نامه "شماره 53" سیاوش کسرایی
37. ماه نامه فرهنگ سیاسی، اجتماعی و ادبی شماره 64، اردیبهشت 1387. بهروز حسن زاده " نقد و
تحلیل منظومه "مهره سرخ"

13. Интернет сайтлари

38. ”در باره سیاوش کسرایی چه میگویند؟“
39. آرش کمانگیر سیاوش کسرایی
40. گزیده اشعار سیاوش کسرایی، مروارید
41. مجموعه اشعار سیاوش کسرایی، انتشارات نگاه
42. سیاوش کسرایی، مقالات مجله شماره 18- بهمن، 1391 تاریخ و ادبیات

14. Виртуал кутубхона электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

43. عبدالرضا سبزی : "سبك شعر نوع"
44. حماسه سیاوش. دانشگاه تربیت معلم
45. سیاوش کسرایی، 1383

16. Сиёвуш Касроийнинг қизи билан бўлган интервью

46. 1392. 21 فروردین در گفت و گو با بی بی کسرایی، چهارشنبه